Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 15-noyabr, shanba № 92 (8741)

**Боқий фикр**

***Давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг юксак қадрият ва бойликдир.***

Ислом КАРИМОВ

## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

2014 йил 4 ноябрь куни нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгиланиб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Бу индекс дунёнинг 142 мамлакати, Ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган. Бутун дунёда эътироф этилган усуллар асосида «Legatum» институти томонидан ишлаб чиқилган ушбу фаровонлик индекси аҳоли фаровонлиги учун шароит яратиш борасида 89 кўрсаткич бўйича дунё мамлакатларининг ютуқларини ифода этади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингида яна бир бор юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда 57-ўринни эгаллади ва бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди (2013 йилда 63-ўрин эди).

Бунинг самарасида Ўзбекистон Республикасининг фаровонлик борасидаги бу йилги рейтинги Греция, Руминия, Украина, Мексика, Россия, Индонезия, Сербия, Озарбойжон, Грузия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлар рейтингидан ошиб кетди.

«Legatum» институти мамлакатнинг иқтисодиёт даражаси, тадбиркорлик фаолияти, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролар хавфсизлиги даражаси ва ижтимоий капитал каби асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда рейтингларни аниқлайди.

Ўзбекистоннинг умумий рейтинги 2010 йилга нисбатан 19 позицияга, «иқтисодиёт» кўрсаткичи бўйича эса 41 позицияга кўтарилди.

**(Давоми 4-бетда.)**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини **Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, бозор ислоҳотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ҳамда солиқ-бюджет сиёсатини янада модернизациялаш, бозор ислоҳотлари ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилган.

Муҳокама асносида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришдан, солиқ солиш тизимини соддалаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборат бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Солиқ юкини янада камайтириш бўйича энг муҳим чоралардан бири сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш назарда тутилмоқда, натижада юридик шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 89,4 миллиард сўм қолади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлмиш қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солишнинг тўрт босқичли шкаласи жорий этилмоқда. Бу шкала даромадларнинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича ноль ставкасини белгилашни назарда тутади. Мазкур чора ўртача иш ҳақидан кам ёки ўртача иш ҳақи даражасида даромад оладиган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юкини камайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш асносида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Чунончи, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари жорий йилдагига нисбатан келаси йилда 1,2 баравар кўпаяди. Хусусан, мамлакат олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилишни, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга катта миқдорда маблағ йўналтирилади.

**(Давоми 2-бетда.)**

## ФАОЛ, ТАШАББУСКОР ВА ИЖОДКОР

### *директор ўринбосарлари аниқланди*



***Куни кеча Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 38-умумтаълим мактабида «Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича энг фаол ўринбосари» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда камида уч йил шу лавозимда ишлаган, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида соғлом муҳитни ярата олган, фидойи, ташаббускор ва ижодкор, танловнинг ҳудудий босқичларида 1-ўринни эгаллаган раҳбар ходимлар иштирок этди.***

*Ko'rik-tanlov*

Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика Маънавият тарғибот, Миллий ғоя ва мафкура, «Оила» илмий-амалий марказлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида илк бор ўтказилаётган танловда мактаб директорларининг ўринбосарлари 5та шарт бўйича беллашди.

Биринчи шартга кўра, иштирокчилар «Менинг ғоям» мавзусида таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид фотоальбом, слайд ва видеофильмлардан иборат ўз концепциясини тақдим этишди.

**(Давоми 7-бетда.)**

## БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Тошкент ислом университетида “Конфессияларaро мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вазирлик ва идоралар, диний конфессиялар вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, хорижлик экспертлар, олимлар, олий таълим даргоҳлари ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

**(Давоми 4-бетда.)**

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Давлат бюджетидан 138та соғлиқни сақлаш объектини қуриш ва батамом замонавий техника билан жиҳозлашга 495 миллиард сўм, 246та умумтаълим мактабини, 42та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини реконструкция қилишга, шунингдек, 246та ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасини мукаммал таъмирлашга 479 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. 72та туман тиббиёт муассасаси қурилади. Умуман, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялашга қилинадиган давлат харажатларининг ўсиши 2014 йилдагига нисбатан қарийб 22 фоизни ташкил этади.

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган уй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектлари қурилишига зарур маблағлар ажратилади.

Умуман, 2015 йилги Давлат бюджетида, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунга иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириб бориш йўли билан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетлар даромад базасини кенгайтиришдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини оширишга ёрдам беради.

Сенаторларнинг чиқишларида 2015 йилги Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг параметрлари, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига мос эканлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг бутун салоҳиятини ишга солиш, демографик омилларни ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини** ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Ушбу Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари, устувор йўналишларини, тегишли мақсадли дастурлар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари 2011—2015 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, инвестиция дастурлари ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ тузилган. Улар иш ўринларини кўпайтиришга, бандлик даражасини ўстиришга ҳамда унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурлари рўёбга чиқарилиши, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши модернизация қилиниши ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва уни таклиф қилишнинг мувозанатлилигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарор амал қилишини, банд бўлмаган аҳолини, касб-ҳунар коллежларини битирувчиларни, хотин-қизларни, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бунда кичик бизнеснинг иш ўринлари ташкил этишдаги ролини оширишга, айниқса, мумкин қадар қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига оширишга катта эътибор берилган.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2015 йилда мамлакатимизда 987,5 мингта иш ўрни, шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган корхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмаларда, якка тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, фермер ва деҳқон хўжаликларида 725,9 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг олис туманларида иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринларига, шунингдек, мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг республика туманлари ва шаҳарлари, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар кесимида рўёбга чиқарилишининг мунтазам ва тизимли мониторинги ташкил этилади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини** кўриб чиқдилар. Мажлисда амалдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ўрнига қабул қилинаётган янги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг қўшимча кафолатларини таъминлаб беришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Мурожаатларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда киритиш имкониятини ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам қонуннинг муҳим янгилиги бўлди.

Сенаторлар фикрича, қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун жавобгарлигини кучайтиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Олий Мажлис палаталари томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини** (янги таҳрири) кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг асосий қоидалари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча рағбатлантириш чоралари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланишига, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширишга, инвестиция фаолиятида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

* * *

**2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллаш тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатига мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллаш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни

**(Давоми 3-бетда.)**

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)**

амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашини таъкидладилар.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10та масала, шу жумладан, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

---

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябрида бошланган ва сайлов 21 декабрда ўтказилиши муносабати билан «Сайлов – 2014» ижтимоий сўровини ўтказди.**

# ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ САЙЛОВГА ТАЙЁР

Унда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари — эркаклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Сўров давомида аҳоли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов тўғрисида етарлича хабардор экани маълум бўлди. Сўров иштирокчиларининг қарийб 90 фоизи сайлов 2014 йил декабрда ўтказилишини билади. 86,7 фоизи сайловчилар ҳуқуқларидан яхши хабардор. Аксарият иштирокчилар янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун билан танишиб чиққан.

Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг кўпчилиги шу йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда албатта иштирок этади. Улар ушбу муҳим сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрмоқда.

«Сайлов пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодларнинг қайси жиҳатлари сиз учун муҳим?» деган саволга жавоб берар экан, номзодларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари, одоб-ахлоқи, демократик қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳурмат қилиши, профессионаллиги ва чет тилларни билишини алоҳида ажратиб кўрсатди. Сўров иштирокчилари депутатликка номзодлар жамиятимизда, маҳаллаларда обрў-эътибор қозонган ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Фуқаролар учун номзодларнинг оиладаги мақоми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўровда фуқаролар ўз номзодини сайлашда унинг ижтимоий аҳволи, қайси сиёсий партияга мансублигини эътиборга олади.

Аксарият фуқаролар учун оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги воқеалар ҳақида мунтазам ахборот етказиб берадиган асосий манбадир. Аҳолининг катта қисми мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партияларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам кузатиб боради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, фуқароларнинг аксарият қисми (90 фоизга яқин) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, сайловолди кампаниясининг қандай кечаётгани, сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари тезкор ва сифатли ахборот тақдим этаётганидан қаноат ҳосил қилмоқда.

Ижтимоий сўров фуқароларимизнинг ижтимоий кайфияти баландлиги, шу йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга тайёр эканидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, тадқиқот натижалари 2014 йилги сайловолди кампанияси фуқароларимизнинг маънавияти юксалиб, дунёқараши ва тафаккури ўзгариб бораётган, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сураётган, бағрикенглик, жамиятимизда дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат ришталарини мустаҳкамлаш шароитида ўтаётганини кўрсатди.

***«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири М.МАМЕТОВА тайёрлади.***

---

# ЭНЕРГЕТИКЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

***Тошкентда «Энергия ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантиришга замонавий ёндашувлар. Муқобил энергетика» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

«Ўзэлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Украина ва бошқа мамлакатларнинг энергетика тармоғи мутахассислари иштирок этди.

Конференцияда электр энергияси ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энергетика тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, энергияни тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Илғор ва тежамкор технологиялар асосида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларга қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш мамлакатимиз энергетика комплексини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Конференция иштирокчилари янги энергетика объектларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишда инновацион ечимларни жорий этиш масаласини ҳам муҳокама қилди. Шунингдек, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мўлжалланган янги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳақида маърузалар тингланди. Мамлакатимиз ва умуман, дунёда муқобил энергия манбаларини ўзлаштиришнинг истиқболли йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда энергетика тармоғини ривожлантириш истиқболлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди Хитойнинг «Tonghua» компанияси муҳандиси Ли Юншенг. — Мамлакатингизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборлидир. Маълумки, Ўзбекистонда йилнинг уч юз кунидан кўпроқ қуёш порлаб туради. Бу атроф-муҳитга зарар етказмасдан саноат миқёсида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун қуёш нурларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Халқаро конференция иштирокчилари тажриба ва фикр алмашиб, ушбу тармоқда ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олди.

**Бобур ОБИДОВ, ЎзА мухбири**

## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Бу мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларига ишончи, сўнгги 5 йилда иқтисодий тараққиётда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, шунингдек, банк ва молия тизимининг ишончлилиги каби кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилгани самарасидир.

Рейтинг тузувчилар ўз бизнесини ташкил этиш учун бошланғич маблағ даражасининг пастлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жозибадорлик, аҳолининг молия институтларига ишончи каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонни дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритди.

Рейтинг тузувчилар фикрига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «ижтимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбекистон ўрта таълим билан қамраб олиш, таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, узоқ умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимининг пастлиги, кам сонли миллатларга нисбатан бағрикенглик, оилаларнинг барқарорлиги каби йўналишлар бўйича юқори ижтимоий кўрсаткичларга эга.

Ўзбекистон аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлангани, ҳукуматга, мамлакат мудофаа қобилиятига ишонч, болаларнинг таълим олиш имкониятлари, тўйиб овқатланиш, санитария шароитлари, шахсга ва аҳоли мулкига нисбатан жиноятчиликнинг пастлиги ва бошқа қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган ушбу холисона баҳо ҳақли равишда истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар самараларини, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини муттасил ошириш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш учун барқарор иқтисодий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини акс эттиради.

Рейтингни тузишда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва таҳлил институтларининг объектив маълумотлари, шунингдек, «Legatum» институти томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар асосий манба бўлиб хизмат қилгани эътиборга олинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг фаровонлик индекси бутун халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланганини ишонч билан қайд этишимиз мумкин.

**ЎзА**

# БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити Викентий ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази барча фуқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бугун юртимизда бир юз қирқдан зиёд миллий маданият марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

— ЮНЕСКО миллатлараро тинчлик ва тотувликни сақлашга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат. — 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Шундан буён мазкур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш мақсадида Халқаро бағрикенглик куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Мазкур конференция бутун дунё учун ғоят долзарб мавзуга бағишланган билан аҳамиятли бўлди. Анжуман бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга оид бугунги куннинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларга теран кўз билан қарашимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, юртимизга тинчлик ва барқарорликни асрабавайламоғимиз зарур.

— Ўзбекистонга келиб мамлакатингиз ҳақидаги тасаввурим янада бойиди, — деди Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Динлар институти директори Ян Кэцзя. — Юртингизда одамлар тинч-хотиржам яшамоқда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Мусаффо осмонингиз, меҳнатсевар ва саодатли халқингиз ҳавас қилгулик. Бу — жамиятда тинчлик-тотувликни таъминлашга қаратилган, демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат сиёсати самарасидир. Кўплаб мамлакатлар бундай тизимдан ўрнак олса арзийди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистондаги миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида Ўзбекистонда барча диний конфессиялар ўз анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этиб келмоқда, — дейди Немис евангель-лютеран черкови епископи Корней Вибе. — Жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-мурувват, эзгулик муҳити тинчлик ва осудалик, фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, уни мустаҳкамлашнинг ижтимоий ва илмий-назарий асослари, дунё динлари манбаларида бағрикенглик тамойиллари, динлар ва ижтимоий ҳамкорлик, глобаллашув шароитида толерантлик, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасининг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ

## *ўқувчини ижодий ва мустақил фикрлашга ўргатади*

*Xalqaro anjuman*

***Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Нуфузли анжуманда мамлакатимизда педагогика соҳасида илмий ва педагогик фаолият олиб бораётган 500дан зиёд профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Шунингдек, конференцияда Россия, Япония, Босния ва Герцеговина, Жанубий Корея, Қозоғистондан келган олимлар қатнашиб, педагогика соҳасида жаҳонда тўпланган илғор тажрибалар ҳақида фикр алмашишди. Анжуманнинг ялпи йиғилишида Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош омили эканини таъкидлаб, юртимиз таълим тизимидаги ўзгаришлар ва ўсиш кўрсаткичларига батафсил тўхталди.

— Ўзбекистон таълим тизимида маҳалланинг ўзига хос ўрни бор, — дейди йиғилишда сўзга чиққан Нагоя университети(Япония) профессори Асуко Кавоно. — Маҳаллани ижтимоий таълим маркази сифатида ҳам кўришимиз мумкин. Мен Ўзбекистон ижтимоий педагогикасини тадқиқ этиш давомида маҳаллаларда аёллар учун, ёшлар учун махсус дастурлар ва мулоқотлар ташкил этилганига гувоҳ бўлдим.

Профессор Николай Лобанов(Россия)нинг узлуксиз таълим тизимида аҳолининг ахборий маданиятини шакллантириш, профессор Азамат Акбаров(Босния ва Герцеговина)нинг инглиз тилини ўрганишнинг замонавий технологияларига доир маърузаси ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

— Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида талабаларни касбий ижтимоийлаштиришнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд, — дейди Тошкент давлат педагогика университети профессори Нодира Эгамбердиева. — Хусусан, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро тенглик асосида ижодий фаолият кўрсатиши, таълим жараёнида ўзини ўзи баҳолаш ва тарбиялаш имкониятининг берилиши, бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳамкорлик, изланиш ва тадқиқот методлари билан бирга, хатоларни тузатиш ва синовлар методидан фойдаланишнинг зарурлиги шулар жумласидандир.

Анжумандаги маърузаларда ҳамкорлик педагогикаси — педагогик тафаккур ва амалий фаолият йўналиши экани кўп таъкидланди. Ҳамкорлик педагогикаси деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти тушунилиши ҳақида сўз борди. Ҳамкорликда ўқитиш ғоялари бугунги кунда педагогик технологиялар мазмунига сингдирилган бўлиб, бундай муносабат ўзаро самимийлик, бир-бирини тушуниш асосига қурилади. Жараёнда ҳар бир таълим олувчини ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш каби масалалар қизғин илмий мунозарага сабаб бўлди.

— Ўқитувчи ва шогирд ўртасида ҳамкорликнинг мавжудлиги — ўқувчи устозини ўз яқин дўсти сифатида кўришида, шахсий фикрларини дарсда эркин баён қилишида кўринади, — дейди ТДПУнинг «Бошланғич таълим» кафедраси мудири Албина Содиқова. — Ҳамкорлик технологиялари натижасида ўқувчининг мавзуни яхши тушуниши баробарида ижодий қобилияти ўсади. Айниқса, бошланғич таълимда ҳамкорлик технологияларидан фойдаланиш долзарбдир. Бугунги анжуман ҳамкорлик педагогикасини татбиқ этишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятли.

Ялпи йиғилишдан кейин «Ҳамкорлик педагогикаси узлуксиз таълим тизимида баркамол шахсни шакллантиришнинг асоси сифатида», «Узлуксиз таълим тизимида ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда субъект-субъект муносабатларини ривожлантириш ҳамкорлик педагогикасининг муҳим йўналиши сифатида» каби шўъбаларда муҳокамалар давом эттирилди.

— Конференцияда «Таълим-тарбия таъсирчанлигини таъминлашда педагогик ҳамкорликнинг ўрни» мавзусидаги маърузам билан қатнашмоқдаман, — дейди Тошкент вилояти ПКҚТМО институти доценти Раҳимбой Жуманиёзов. — Нутқ билан таълим, хулқ билан тарбия амалга ошади. Ўқитувчининг икки қаноти бор: бири тафаккур, бири талаффуз. Маърузамда ҳам айнан нутқ маданияти, нутқий муносабатлар, сўзнинг таъсири ҳақида гапирдим. Анжуманда хорижлик педагоглар таълим тизимимиз билан танишиб, юксак баҳо бераётгани, намуна олаётгани қувонарлидир.

Анжуман доирасида ёш олимларнинг илмий изланишлари бўйича кўргазма ташкил этилди, янги нашр этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**Хурлиман НУРЖАНОВА**

Jarayon

**Ўқув йилининг иккинчи чораги бошланди. Ўтган вақт эндигина мактабга қадам қўйган жажжи болакайлар учун чинакам мослашув даври бўлди. Шубҳасиз, бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳам бу ўзига хос масъулиятли жараён бўлиб, педагогик қобилият ва маҳоратини намоён этиш палласига айланди. Хўш, педагоглар жажжиларнинг мактаб муҳитига кўникиши, ўқув жараёнларига тез ва осон киришиб кетиши, тенгдошлари билан муносабат ўрнатиши учун қандай усуллардан фойдаланишди?**



# "ЎҚИТУВЧИМ – МАКТАБДАГИ МЕҲРИБОНИМ"

### Ўйинли дарслар болани мактабга чорлайди

Бошланғич синф ўқитувчиси Фотима Каримова Чилонзор туманидаги 281-умумтаълим мактабида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган тажрибали педагоглардан. Ҳали ўқув йили бошланганига кўп бўлмай ўқувчиларнинг севимли устозига айланиб улгурган муаллима болани мактабга кўниктириш борасида ўз услубига эга. Тажрибасининг самарасини жажжи ўғил-қизлар муаллиманинг ширин сўзи, меҳри ва эътиборига ошуфта бўлиб, атрофида чуғурлашишидан ҳам билса бўлади. У болалар билан ишлашнинг усуллари ҳақида шундай дейди:

— Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келган, ёшларнинг компьютер техникасига қизиқиши ўта юқори бўлган бир даврда болани китоб ўқиш, билим олиш, ҳарф танишга ундаш бироз мушкул вазифа. Шуни ҳисобга олиб, бу ўқув йилидан мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг саводини чиқаришга эътибор қаратаяпман. Интернет сайтларидаги қизиқарли, болаларбоп электрон адабиёт, мультимедиа ўқув ресурслари билан мунтазам танишиб, дарсда фойдаланиш мумкин бўлган материалларни юклаб олдим. Мактабимиз компьютер, видеопроектор каби воситалар билан таъминланган. Машғулотларда электрон дарсликлардан фойдаланиш бугун муаммо эмас. Биринчи дарсда "Атрофимиздаги олам"га илова тарзида тайёрланган "Бизнинг мактаб" видеолавҳасини ўқувчиларимга қўйиб бердим. Улар мактаб биноси, унинг олдидаги анвойи гуллар тасвирини зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Видеолавҳа болажонларнинг таълим масканига оид тасаввурини янада бойитиши баробарида улар ботинида туғилган "Ўқитувчи ва ўқувчи ким?", "Синфхона ва кутубхона нима?", "Спортзалу ошхонага қандай бориладди?" каби саволларга жавоб топишига ёрдам берди. Дарс давомида партада тўғри ўтириш, ўқувчининг ўзини тутиши, умуман, мактабдаги масъулияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўзладим. Аълочи, хулқи намунали ака-опаларининг эришган ютуқларидан мисоллар келтирдим. Шу тарздаги машғулотлар асносида болажонлар мактабга қизиқиши ортаётганини очиқ гапира бошлашди.

Муаллима дарсни турли қизиқарли ўйинлар асосида ташкил этишга эътибор қаратди. Масалан, бир сафар "Биз қандай боламиз?" деган ўйин ўтказди. Инсондаги фазилатлар хусусида сўз юритиб, дарс тайёрлаётган, кун тартибини тўғри режалаштириб олган бола ҳақида видеолавҳа қўйиб берди. Ўқувчилар ҳам бу борада ўз фикрларини билдирдилар. Муаллима "Тўғрисўз бола" эртагини айта туриб: "Ростгўй, ақлли, одобли бола бўлишни истасангиз, сиз, албатта, мактабда ўқишингиз, таълим-тарбия олишингиз керак", деганди, кичкинтойлар бирваракайига хурсанд бўлиб кетишди.

Ўқувчиларни мактабга кўниктириш, ўқиш-ўрганиш, билим олишга қизиқтиришда мультимедиа воситалари асосида олиб бориладиган кичик ўйинлардан кенг фойдаланади. Масалан, инглиз тили билан интеграциялаштирилган «Қувноқ алифбо» электрон дарслиги болажонларда бўғинлаб ўқиш кўникмасини шакллантирса, «Ўйнаймиз — ўйлаймиз» электрон ресурси математик билимларни оширади.

— Айниқса, электрон дастурда типратиканнинг оддий масалалардан сўнг: «Ўйлаб кўр, еча оласанми?», «Жавобини топа оласанми?» деган саволлари болаларни машғулотга қизиқтириб юборади, — дейди Фотима Каримова. — Болажонлар биринчи чоракда ўрганган ҳарфлари асосида турли сўзлар, содда гаплар тузаяпти. Кичик матнлар асосида диктант ёзишни ҳам ўрганишди.

### "Эшитдингизми, устозим мени мақтади..."

Баъзи ота-оналар ҳар тонг фарзандининг "мактабга бормайман" деган хархашасидан хавотирга тушадилар. Аксарият ҳолларда бола мактабга ота-онаси етаклаб боришини, дарслар тугагач, яна олиб қайтишини талаб қилади. Талабига кўнмасангиз, инжиқлиги янада ортадигандек. Бунинг сабаби бола ўқишни давом эттиришни хоҳламаётганими? Муаллим қандай тадбирни қўлласа, ўқувчи мактабга талпиниб келадиган бўлади?

— Катта фарзандим мактабга боришдан бош тортарди, — дея ҳикоя қилади Сергели туманида яшовчи Насиба Абдусаидова. — Унга уй вазифаларини бажаришда доимо ёрдамлашардик. Ўзлаштириши ёмон бўлмаса-да, барибир мактабга хоҳламайгина борарди. Кейинги фарзандимизни 1-синфга берганимизда уйга вазифаларни бажаришда кўмаклашишимизни кўпам хоҳламади. У топшириқларни мустақил уддалаётгани, ўқитувчисидан рағбат олаётганидан хурсанд. Ҳар куни эрта тонгда турадию, мактабга ошиқади. Бунинг сирини билмоқчи бўлдим. Бир куни дарслари тугагач, атайлаб мактабига бордим. Муаллима атрофида болакайлар гавжум. У ҳар бир ўқувчи билан меҳр бериб суҳбатлашар, ширин сўзлар билан уларни руҳлантирарди. Ўғлим мен томон келмоққа шайланиб, устозига тикилди. Шунда муаллима: "Бугун вазифани жуда яхши бажариб келибсан, эртага бундан ҳам аъло даражада тайёрлаб келишингга ишонаман. Бора қол!.." деганди у ўзига сиғмай кетди. Мен томон югуркан: "Ойи, эшитдингизми, устозим мени мақтади. Эртага уйга вазифани бундан ҳам яхшироқ тайёрлашим керак!" дея ҳайқирди. Шундай кайфиятда унга «Энди мактабга бормайсан», деб кўринг-чи, тўхтата олармикансиз?!

Ўқитувчиларнинг биргина гап билан ўқувчини мактабга «боғлаб» қўйиш маҳорати таҳсинга лойиқ. Демак, муаллиманинг меҳрибонлиги болакайни таълим масканига оҳанрабодек тортади. Қолаверса, бу синфдошларга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, болаларда бир-бирига ҳурмат ҳисси шаклланади, синфда соғлом муҳит юзага келади.

— Ўқувчиларим орасида Меҳриддинжон деган бола мактабга келишни хоҳламаётган экан, онаси мендан маслаҳат сўради, — дейди Фотима Каримова. — Отаси ва бобоси ўқимишли одамлар. Болакай жуда эрка бўлиб ўсгани боис мактаб муҳитида бегонасирайди. У билан яқиндан суҳбатлашиб, нималарга қизиқишини сўрадим. Китобларнинг расмини томоша қилишни яхши кўришини, лекин ўқишни билмаслигини айтди. "Мактабга доим келсанг, албатта, ўқишни ўрганиб оласан. Шунда дадангга, бобонгга ўхшаб ўқимишли одам бўласан", дедим. "Менинг бобом зўр математик, — деди у фахрланиб. — У киши ҳамма мисолни еча олади. Мен ҳам бобомга ўхшаб математик бўлишни хоҳлайман". "Унда жуда яхши! Кел, қанчалик топқир эркансан, синаб кўрамиз, — дея иккала кўрсаткич бармоғимни кўрсатдим-да, сўрадим: — Бирга бирни қўшсак, неччи бўлади? Учдан бирни айирсак-чи?". Шунда болакай мустақил тарзда дарров тўғри жавоб бера бошлади. Мактабда аъло баҳоларга ўқиса, бундан мураккаб мисолларни ҳам бемалол еча олишини айтдим. Шундан сўнг синфда «Ким, нимани ёқтиради?» ўйинини ташкил қилдик. Кимдир қушларни яхши кўришини, китоб ўқишни хоҳлашини айтса, кимдир қизиқадиган спорт туридан гапирди. Савол-жавоб давомида бир-биридан уялибгина ўтирган болакайлар ҳам фаоллашиб кетишди... Вақти қувноқ ва мазмунли ўтаётгани боис ўқувчиларим ҳар тонг "Мактабга бораман!" дея ота-онасининг ҳоли-жонига қўймаётгани қулоғимга чалиниб қолади. Ота-оналар боласидаги бундай ўзгаришдан жуда ҳам хурсанд.

Ушбу мактабнинг яна бир бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Азимова шундай дейди:

— 1-синфда дарсни кўпроқ оғзаки ташкил этиш, турли ўйинларга боғлаб ўтиш яхши самара беради. Дарсда 2-3 дақиқалик ўйинларга алоҳида вақт ажратаман. Ўйин давомида турли саволлар берилади. Ҳозиржавоб ўқувчиларни мева шакллари туширилган "рағбат карточка"лари билан сийлайман. Бундай усул дарс давомида барча ўқувчиларни фаолликка чорласа, уйга вазифани бажарганда эса эртасига тезроқ мактабга бориб, билганларини муаллимига айтишга ошиқади. "Рағбат карточкаси"ни олиш иштиёқи уларда мактабга бориш ҳиссини кучайтириб юборади. Бу усулнинг афзал томони 1-синф ўқувчисининг нафақат дастлабки чоракда мослашувини таъминлайди, балки кейинчалик ҳам дарсларда фаоллигини оширишга ундайди. Бу усулни ўқувчиларим 2-, 3-, 4-синфга ўтганида ҳам қўллайман.

Тажрибали педагоглар таъкидлаганидек, ўқувчининг мактабга муносабати дастлаб қандай бўлса, то битиргунига қадар шундай бўлиб қолиш эҳтимоли катта. Демак, йилларга татигувчи мазкур қисқа даврнинг қандай кайфиятда бошланиши кўп жиҳатдан бошланғич синф ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқ экан.

Ўқув йилининг дастлабки чораги 1-синф ўқувчиларини мактаб муҳитига кўниктириш палласи бўлди. Иккинчи чорак эса уларни тўлиқ савод чиқаришга ва аълочи ўқувчилар қаторидан жой олишга ундаши шубҳасиз. Бу жараёнда ҳам бола ва унинг мактабдаги меҳрибони — ўқитувчи ўртасидаги илиқ муносабат муҳим роль ўйнаши тайин.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” республика кўргазмаси очилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.**

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирларининг “Ҳунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, қатор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” кўргазмасида янги лойиҳа ва хизмат турларини тақдим этадиган молия-банк муассасалари, консалтинг марказлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятига бағишланган алоҳида стендлар ҳам ўрин олган. Кўргазманинг яна бир эътиборли жиҳати, ёш тадбиркорлар, ўз бизнесини энди йўлга қўяётган ёки режалаштираётган иштирокчилар учун фойдали ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилди.

Икки кунлик кўргазма якунида “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши ёш фермери”, “Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди” номинацияларида ғолиблар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

❖ **Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

— Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилган бинода ҳар бир йўналиш бўйича қулайликларга эга синф хоналари, 210 ўринли замонавий концерт зали мавжуд, — дейди мактаб директори Зийба Алланиёзова. — Президентимиз раҳнамолигида яратиб берилаётган бундай шароит ва имкониятлардан нафақат ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари ҳам жуда хурсанд.

Ушбу санъат мактабида бу йил янги йўналиш — театр бўлими очилди. Унда болалар саҳна санъати сирларини ўрганмоқда.

❖ **Бугунги кунда интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.**

Бухоро шаҳридаги педагогика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Куронбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

❖ **Пойтахтимизда тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳат маркази иш бошлади.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тижорат банклари мутахассислари, ҳуқуқшунослар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг бизнесга оид билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган мазкур марказда ёшларга ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот технологиялари, маркетинг, давлат ташкилотлари билан ишлаш йўналишларида «тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилади.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Таълим стандартлари такомиллашмоқда

***Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида Республика таълим маркази томонидан «2015-2016 ўқув йили учун яратиладиган информатика дарсликлари ва компетенциявий ёндашув асосидаги янги давлат таълим стандартининг хусусиятлари» мавзусида семинар ташкил этилди.***

Тадбирда вилоятдаги барча туман(шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлими услубчилари ва умумтаълим мактаблари информатика фани ўқитувчилари иштирок этди. Семинарда сўзга чиққан Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Баҳодир Болтаев ва вилоят методика маркази услубчиси Зафар Мўминов компетенциявий ёндашув асосидаги янги ДТСнинг афзалликларига тўхталиб, уни амалиётга татбиқ этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар натижалари билан ўртоқлашдилар. Информатика фанининг интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Тадбирда электрон дарсликларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, «Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурси», «Энг яхши веб-сайт» республика кўрик-танловига тайёргарлик ишлари ҳам муҳокама қилинди.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Жаҳолатга қарши маърифат билан...

***Навоий вилоят «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида ўқувчи-ёшлар қалбида ёт ғояларга қарши мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш, миллатлараро тотувлик туйғусини қарор топтириш, умумбашарий қадриятларни эъзозлашга ўргатиш мақсадларига йўналтирилган «Жаҳолатга қарши маърифат билан» мавзусидаги ижодий ишлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Танловда уч йўналиш — «Иншо», «Шеърият», «Тасвирий санъат» бўйича ёш истеъдод соҳибларининг ишлари кўрикдан ўтказилди.

— Тадбирда жам бўлганларда тўгарак аъзоларининг «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» мавзусидаги театрлаштирилган чиқиши катта таассурот қолдирди, — дейди марказ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Санобар Қодирова. — Ватанга муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, дилбар рақслар кўнгилларда юрт меҳрини янада юксалтирди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳакамлар ҳайъати қуйи босқичларда муваффақиятли иштирок этган 48 нафар ўғил-қизнинг ижодий ишларини баҳолар экан, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нечоғлик зийраклик билан кузатилгани, ёт ғояларнинг салбий оқибатларини огоҳлик билан илғаш ва баён этиш, ҳушёрликка даъват, бурч ва масъулиятни ҳис этиш каби жиҳатларга эътибор қаратдилар.

Уч йўналиш бўйича биринчи ўринлар карманалик Маржона Турсунова, навоийлик Маҳлиё Бобоназарова, конимехлик Бердақ Шукуруллаевга насиб этди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## «Маҳаллам тарихини ўрганаман»

***Самарқандда ўқувчилар ўртасида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда туман(шаҳар) босқичларида ғолиб бўлган 16та жамоа беллашди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра Каттақўрғон шаҳри ва Самарқанд тумани жамоалари биринчи ўринни қўлга киритди. Иштихон ва Ургут туманидан келган ўқувчилар иккинчи, Пахтачи тумани ва Самарқанд шаҳри жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Дўстона муҳит
### мактаб мавқеини оширмоқда

**Бугун ота-оналар фарзандлари замонавий билим масканларида сабоқ олаётганини мамнуният билан эътироф этади. Боиси, узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган малакали педагоглар нафақат дарсда, балки фан тўгаракларида ҳам ўғил-қизларга самарали таълим-тарбия бериб келмоқда.**

— 2013-2014 ўқув йилида ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши бўйича тумандаги илғор мактаблардан бири сифатида эътироф этилди, — дейди Арнасой туманидаги 22-ИДУМ директори ўринбосари Наргиза Нарзуллаева. — Бундай ютуққа эришишимизда жамоамизнинг ўзаро аҳил иш олиб бориши муҳим омил бўлди. Айни пайтда мактабимизда 320 ўқувчига малакали педагоглар илм сирларини ўргатмоқда. Тажрибали ўқитувчилардан «Шуҳрат» медали соҳибаси Зулфия Исмоилова, Муртазо Бегматов, Соҳиба Нормуродова, Гулдона Низомова сингари таълим жонкуярларининг меҳнатлари таҳсинга сазовор.

Мактабдаги 12 та фан тўгарагида қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Ўқувчилар билимлар беллашувининг туман ва вилоят босқичларида фаол иштирок этиб, устозлари ишончини оқлаяпти. Жумладан, Усмон Неъматов билимлар беллашувининг вилоят босқичида, Гулёра Муҳиддинова, Севара Мусалламова туман босқичида ғолибликни қўлга киритди. Бу каби муваффақиятлар замирида фан ўқитувчиларининг тинимсиз изланиши ва меҳнати мужассамдир.

**Номоз ҚАРШИЕВ**

## Ёш ижодкорлар асарлари кўргазмаси

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Олам ва одам — болалар нигоҳида» мавзусида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи иқтидорли ўқувчиларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Рангтасвир ҳаваскорларининг 100дан ортиқ асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.***

Юртимизда ёш авлоднинг камол топиши, ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари мазкур ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Давлат миқёсидаги бундай эътибор кейинги йилларда ўз натижаларини кўрсатмоқда. Ёшларимиз кўплаб нуфузли маданият ва санъат фестиваллари юқори ўринларни қўлга киритиб келаётир.

Мазкур кўргазмага тақдим этилган асарларнинг муаллифлари ҳам Италия, Австрия, Чехия, Польша, Россия ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Ёш ижодкорларнинг асарларини томоша қилар экансиз, жонажон диёримизнинг гўзал ва бетакрор табиати, тарихий обидалари, халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик каби туйғулар ҳамда хориж сафарлари таассуротлари акс этганига гувоҳ бўласиз.

— Бу кўргазмада она ва бола ўртасидаги меҳр риштаси акс эттирилган суратим билан қатнашяпман, — дейди лицейнинг 6-«Д» синф ўқувчиси Умид Рўзиқулов. — Тасвирий санъат сир-асрорларини дастлаб Сурхондарёда устозим Ҳилола опадан ўрганган бўлсам, икки йилдан буён ушбу академик лицейнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Абдураҳмон Нуриқобиловдан сабоқ олаяпман.

Кўргазма 26 ноябргача давом этади.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

# ФАОЛ, ТАШАББУСКОР ВА ИЖОДКОР

## *директор ўринбосарлари аниқланди*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Иккинчи шарт бўйича педагоглар таълим-тарбия жараёнида учрайдиган муаммоли вазиятга ечим қидирган бўлса, учинчи шартда интеллектуал қобилиятни аниқловчи саволларга жавоб беришди. Кейинги шартларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, интернет орқали хат жўнатиш ва бошқа кўрсатмаларни бажариш; эркин мавзуда ўз ижодкорлик маҳоратини намойиш этиш талаб этилди.

— Танловнинг биринчи шартида «Яхшидан боғ қолади» мавзусидаги лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Навоий вилояти Кармана туманидаги 27-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Моҳира Холиқулова. — Унга асосан, мактабга тегишли бир гектар ерга ҳомийлар кўмагида 800 туп олма кўчатини ўтқазиб, қўшимча даромад олиш, ўғил-қизларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқишини ошириш, фаол ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантириш режалаштирилган. Ёз ойларида боғда «Меҳнат — роҳат» оромгоҳини ташкил этиш ниятидамиз.

Танловда тақдим этилган илғор тажриба ва лойиҳалар кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-мактаб тажрибаси ҳам диққатга молик.

— Ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида 2012 йилдан буён мактабимизда «Ҳафтанинг энг фаол синфи», «Ҳафтанинг энг билимдон ўқувчиси», «Ҳафтанинг энг кучли спортчи ўқувчиси» каби олтита номинация бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилади, — дейди мактаб директори ўринбосари, танлов иштирокчиси Анвар Умаров. — «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида таълим-тарбия мазмуни ва самарадорлигини оширишга ҳисса қўшаётган ота-оналар учун «Энг фаол ота-она» номинацияси жорий қилинган. Буларнинг самараси ўқувчиларнинг билим сифати ва хулқида акс этаяпти.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари директор ўринбосарларининг кўрик-танловдаги иштирокини баҳолашда амалиётда эришган ютуқлари, нутқининг таъсирчанлиги, аудитория олдида ўзини тутиши, ижодкорлик қобилиятига алоҳида эътибор қаратишди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Иштирокчиларга «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони топширилди.

Кўрик-танловда тўпланган илғор тажрибаларни республика миқёсида оммалаштириш, ғолиблар иштирокида жойларда семинарлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Отабек ОТАЁРОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# «ҲАММА ЮЛДУЗЛАР БИТТА УЙДА УХЛАЙДИМИ?»

## *беш китобдан фойдаланиб, фарзандингизнинг бундай ажабтовур саволларига жўяли жавоб бера оласиз*



***Болалар жуда серсавол бўлади-да. Атрофингизда айланиб нималарнидир сўрайверади. Адоқсиз саволлари, ҳақиқатан ҳам қизиқ, ранг-баранг, жўн ё мураккаб, ажабтовур ва ғаройиб: «Ҳамма юлдузлар битта уйда ухлайдими?», «Ракетада мен ҳам учсам бўладими?», «Роботларнинг суяги бўлмайдими?»... Буларни бекорчиликдан ё атайлаб ғашингизга тегиш учун сўрамайди. Болангиз дунёни билгиси келаяпти, ақл-идроки шаклланаяпти. Унинг қизиқишларини менсимай, саволларига жавоб беришга ҳафсала қилмаслик, серсаволликда айблаб, жеркиб ташлаш болани лоқайд кимсага айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.***

Ҳисоб-китобларга кўра, айни вақтда республикамизда 23,3 фоиз, яъни 581 минг 539 нафар бола мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. МТМга қамраб олинмаган болаларнинг 12,2 фоизи қисқа муддатли гуруҳларга жалб этилган. 2015—2020 йилларда болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 45 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. МТМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгидан қуриш, тўлиқ ва жорий таъмирлаш ҳамда замон талаблари асосида жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти. Шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан болаларни мактабга тайёрлашда яқиндан ёрдам берадиган беш номдаги рангли-безакли китоб тайёрланиб, мактаб кутубхоналарига етказилди. Мазкур қўлланмалар ота-оналарга МТМга қамраб олинмаган 5−7 ёшли фарзандларини мактабга сифатли тайёрлашда ёрдам беради. Хўш, болаларнинг илк ҳаётий кўникмаларини шакллантириш учун қўлланмалардан қандай фойдаланиш керак? Бу саволга пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 179-мактабда ўтказилган амалий семинарда жавоб изланди.

— Туман методистлари кўмагида МТМ тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари ва психологларига ота-оналар ўртасида китоблардан унумли ва оқилона фойдаланиш, уларни асраб-авайлашни тарғиб этиш юзасидан зарур кўрсатмалар бераяпмиз, — дейди 287-МТМ мудираси Ирода Ғуломова. — Қўлланмалардан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлаш учун маҳалла фаоллари иштирокида тушунтириш ишлари бошлаб юборилди. Йилнинг ҳар чорагида китоблардан фойдаланиш самарадорлигини фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида таҳлил этишни белгилаб олдик.

179-мактаб маъмурияти кейинги — 2015-2016 ўқув йилида муассасага қабул қилинадиган болалар рўйхатини шакллантириб, қўлланмага эҳтиёжни ўрганиб чиқди. Педагоглар хонадонларда бўлиб, китобларнинг мазмуни ҳақида зарур маълумотларни ҳам беришган.

***2014-yil — Sogʻlom bola yili***

— Мактабимиз кутубхонасига фарзандини етаклаб келаётган ота-оналар сони ортди, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Гулнора Абдухалилова. — Ҳудудимиздаги 265-, 267-, 284-, 286-, 287-, 309-, 316-мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Инглиз тили ўқитувчиларимиз ушбу муассасаларга бориб, тўгарак машғулотлари ўтказиши ҳамда тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб билан таништириш асносида кунора мулоқотга киришамиз. «Обод» маҳалласида яшайдиган Шаҳноза Нажимова кутубхонадан китобларни олиб кетгач, фойдаланиш юзасидан кимдан ёрдам олиши кераклигини сўради. Олти ёшли қизчаси бор онага 286-МТМ тарбиячиси Сабоҳат Жалилова амалий ёрдам кўрсатди.

Тарбиячи Сабоҳат Жалилова қўлланмалардан фойдаланиш бўйича қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ота-оналар китобларни қўлга олгач, болани бир-икки соат ўтқизиб, қимирлатмасдан ўқитишим керак, деган фикрдан йироқ бўлишлари лозим. Куннинг биринчи қисмида "Соғ танда − соғлом ақл", "Математик тасаввурларни шакллантириш" қўлланмалари билан ишлаган маъқул. Боиси, бу вақтда миянинг қабул қилувчи марказлари фаол бўлади. Саломлашиш, кийиниш, дастурхон одоби, тиш ва қўлни тўғри ювиш, одоб-ахлоқ ва шахсий гигиена қоидалари йўл-йўлакай ўргатилади. Эртак ва ҳикоялар, шеърларни эса болани ухлатаётганда, ўйнатаётганда ўқиб бериш, ёдлатиш ўринли. Чунки боланинг асосий фаолиятини ўйин ташкил қилади.

Шундай маълумотлар билан танишар экан, ота-оналар беш китобнинг ҳар бирини зўр қизиқиш билан кўздан кечиришди. Олти ёшли Нарзулланинг онаси Моҳинисо Қуратова ҳар бир китоб билан қанча вақт шуғулланиш кераклигини сўраганда, мутахассислар боланинг индивидуал қизиқиш ва эҳтиёжи, салоҳиятидан келиб чиқиб, беш ёшда 10—15 дақиқа, олти ёшдан ошгач 15—20 дақиқа шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини айтишди.

Адабиётлардан мантиқий ўйинлар, воқеабанд суратлар жой олган. Уларни дастурхон атрофида, сайр вақтида ёки кундузги ва кечки уйқудан олдин ҳам ўрганиш мумкин. Тўпламга киритилган шеърларни ёд олиш, расмларни чизиш ва машқларни бажариш кўп вақт талаб этмайди. Оила аъзолари жамулжам бўлганда ҳикоя ва шеърларни ўқиб бериш кичкинтойларда қизиқиш уйғотади. Эртакларни биргаликда муҳокама этиш, товушларни тўғри талаффуз қилиш, равон сўзлаш кўникмалари шаклланган бола мактабга чиққанда қийналмайди.

Мактабгача таълим муассасасидан келган бола билан оила муҳитида тарбияланган болаларнинг хулқи, ақлий ва ижодий, мулоқотга киришиш қобилиятлари, саводхонлиги ўртасидаги фарқни йўқотиш учун ота-оналарга қўшимча кўмак бўлаётган қўлланмалар билан ишлаш амалиётига бағишланган тадбирлар яна қатор муассасаларда ўтказилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 493-МТМда "Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик" китоби ёрдамида болажонларни товуш, сўз, босма ҳарфлар билан таништириш, сўзларни бўғинга бўлиш, ҳикоя тузиш, ўз исмини босма ҳарфлар билан ёзишни ўргатиш усуллари мутахассислар томонидан кўрсатиб берилди. Боланинг руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда топшириқларни бир неча марта такрорлаш лозимлиги таъкидланди. Яратилган имкониятдан самарали фойдаланган ота-оналар мактабга борадиган бола эгаллаши керак бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришга эришади. Натижада фарзандлари 1-синфни муваффақиятли бошлайди. Амалий анжуманда болаларнинг саводини чиқаришда ўйин усулининг афзаллиги уқтирилди.

Китоблардаги барча маълумотлар қизиқарли ва ранг-баранг. Болани эркин қўйиб, қизиқтириб ўргатиш кичкинтойнинг билим эгаллашга ҳавасини ошириб, мактаб таълимига тайёрлайди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

Ma’rifat
2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)



# ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

## БОБО ВА НАБИРА

Чолнинг қўлида асо, қадам ташлаши оғир. Ҳовли этагидаги боғни айлангиси бор, аммо у ерга етгунча... Ёнидаги набираси уни тез-тез одимлашга ундайди. Болада, қарилик куч-қувватдан қолиш эканлигини, унга ўхшаб жадал қадам ташлаш осонмаслигини ҳис қилармиди? Бобонинг кўзлари хира эмасми, оёғи тагида ётган тошга қоқилиб кетаёзди.

— Эҳтиёт бўлинг, бува, йиқилиб қолманг! — невара чаққонлик қилиб унинг қўлтиғидан тутди.

Чол ва набира биргаликда одимлаб, боққа етиб келдилар-да, ўриндиққа чўкишди. Бобо ҳассасини ерга тираб, нафасини ростлаш учун чуқур «уф» тортди. Пешонаси, қош, кўз, бурун атрофларига узун-қисқа бўлиб тортилган ажин, қўл-оёқларидаги толиқиш, юрагининг бежо тепиши кексалик аломати эканлигини набираси англамаслиги табиий. У ўз болалигидан келиб чиқиб фикрлайди.

Икки авлод, икки вакил, ҳаётга икки хил қараш. Бирида кексалик, иккинчисида болалик, набирада жўшқинлик, бобода ҳорғинлик. Ҳар иккисида ҳаётнинг бошқа-бошқа кўринишлари. Ёнма-ён ўтирган бобо ва набирани қиёслай туриб, инсон умрининг худди йил фаслларига ўхшаш манзаралари тўғрисида ўйлай бошлайсиз: болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик... Ҳар фаслнинг ўз хислати мавжуд, инсон умри билан боғлиқ даврларнинг ҳам ўзига хос кечинмалари мавжуд. Болалик — ривожланиш. Ўсмирлик — шаклланиш. Ёшлик — аввалги даврда ўзлаштирганларини мустаҳкамлаш, умрнинг кейинги даври учун пойдеворни пишиқ-пухта қўйиш. Ўрта ёш — ақлий теранлашиш фурсати. Қарилик — донишмандлик, кўнгилда панд-насиҳат устунлик қиладиган, ўзига нисбатан иззат-эътибор кўпроқ қаратилишини истайдиган, умрнинг поёнига етиш фаслидир.

## «ҚАРИБ ҲАМ ЎЗНИ ТИЛАРМЕН ФИДО ЙИГИТЛАРГА»

Фарзанд дунёга келса, «Умри билан берган бўлсин», дея тилак билдирилади. Узоқ умр кўришни эса ҳар бир киши истайди. Бу истакни амалга ошириш йўлида иссиқ жонимизга бўладиган турли хавф-хатарлардан ўзимизни ҳимоялашга, асраб-авайлашга уринамиз. Кексалик донишмандлик белгиси бўлиш билан бир вақтда, ўзига хос психологик ҳолат эканлиги улуғ мутафаккир ва алломаларнинг асарларида ҳам қайд қилинган. Бу ҳақда ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими Мунисжон Ҳакимов шундай фикр билдиради:

— Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг кексалик ҳақидаги қарашлари аҳамиятга моликдир. Шоир «Хазойин ул-маоний» асарининг сўнгги девонига рамзий маънода «Фавойид ул-кибар», яъни «Кексалик фойдалари» деб ном беради. Навоий назариясига кўра, кексалик — «кофурфишон қиш», яъни сочга оқ тушиши, ҳаракатнинг сустлашиши бўлиб, уйқуга кетган ва қорга кўмилган табиат манзарасини эслатади. Бу даврнинг ўзига яраша ҳикматлари бор, қариларга эътибор ва ёрдам зарур. «Қарилиғ истар эсанг, қарияларни ҳурмат тут», дейди Навоий. Шоир қарашларида кекса киши ўз ҳаддини билиб, ёшига мос тадбирларни амалга оширгани маъқул, деган ғоя устунлик қилади. «Қариб ҳам ўзни тилармен фидо йигитларга», дейди шоир, яъни кексалар ёшларга ўз насиҳатлари ва намунали хулқи билан ўрнак бўлиши керак. Навоийнинг боқий таълимотида ўзбек миллатининг қадимдан шаклланиб келган маънавий-ахлоқий анъаналари ипга тизилган маржондек кўзга ташланиб туради.

## ЎЗИГА ХОС РУҲИЙ ОЛАМ

Қаршингиздаги қариянинг кўзлари ўйчан, хаёли тарқоқ. Бир нуқтага жамланган нигоҳи тўла сир, билмоққа уриниш бефойда. Унинг руҳий олами фақат ўзига хос, ўзганикидан фарқли. Аммо барча кексаларга хос муштарак жиҳатлар йўқ эмас.

**Мавлуда Қоплонова, психология фанлари номзоди, доцент:**

— Эзмалик, сергаплик, инжиқлик аксарият қарияларга хос кўринишдир. Бунга сабаб нима? Ён-атрофидаги кишилар кўпинча мулоқот қилишга эҳтиёжини қондира олмаганлиги боис қариялар кўп гапиришади. Фарзандлари ёки невараларининг уларни кўп гапиришда, эскича фикрлашда айблаб, йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларини ҳисобга олмасликлари натижасида тажанг, асабий қариялар кўпайиши мумкин. Оқибатда улар ўзини ортиқчадек ҳис қилади, сал нарсага аразлайди, ҳар бир ҳаракат кўнглига тегиб кетади. Агар оила аъзолари буви-бува, бобо-момоларнинг ҳурматини жойига қўйиб, муҳим масалаларда маслаҳатлашса, уларнинг фикрига қулоқ тутса, муаммога ўрин йўқ. Қарияларга хос яна бир хусусият: уларга нафақат ўзини, балки тенгқурларини танқид қилиш ҳам ёқмайди. Аксарият кексаларда кузатиладиган энг яхши жиҳат — масъулият ҳисси юқорилиги, улар келишилган вақтдан кечикмай учрашиш, ваъдасининг устидан чиқишга ҳаракат қиладилар.

## 95 ЁШДАГИ МЎЪЖИЗА

Табаррук ёшдаги инсонни кўрганда, унинг ёшига етишни ҳавас қилиб, дуосини олгимиз келади. Отахон ва онахонлар феъл-атвори, дунёқараши, яшаш тарзига кўра, турлича ўй-кечинма ва ташвишлар қуршовида юрадилар. Оғир ва босиқ, ўйчан ва вазмин қариялар умри мобайнида не бир сўқмоқлардан юрмаган, дейсиз? Улар билан маслаҳатлашиб иш тутган, панд-насиҳатини тўғри қабул қилган киши ҳаётда қоқилмайди.



ЎзА сурати.

**Эрхон Ҳотамов, Пайариқ туманидаги «Деҳқонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли, 95 ёш:**

— Иродам жуда кўп синовларда тобланди. Фронт ортида меҳнат қилишимга тўғри келган. Қора кунлар ортда қолгач, мактаб таълимини укаларим билан давом эттирдим. Оила, бола-чақа ташвиши бошланди. Кейинчалик тўнғич фарзандим Абдусаид билан Самарқанддаги Марказий Осиё кооператив, сўнгра Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларини тамомладим. Масъул вазифаларда ишласам-да, фарзандларим тарбиясини биринчи ўринга қўйдим. Ичиш, чекиш каби зарарли одатлар менга умуман ёт. Овқатнинг ортиқчаси фойдага эмас, зарарга ишлайди. Бунга умрим мобайнида қайта-қайта амин бўлганман. Инсон қотган нонни сувга ботириб еса ҳам, шукроналик билан тановул қилиши керак.

Хотирамни чархлаш учун ҳамон ҳадис ёдлайман, бадиий китоб ўқишга вақт тополмаган куним ҳаловатим бўлмайди. Эрталаб бир қошиқ асални оч қоринга шимиб, танамни озиқлантираман. Руҳим доим тетик. Айримлар кўп китоб ўқиса, кўз нури ўтмаслашади, дейди. Бу, менимча нотўғри. Аксинча, китоб ўқисам, ҳарфлар аниқ-тиниқлиги билан гўёки хотирамни тиклагандек бўлади. Ҳар куни уйқу олдидан битта қизил сабзи еб, бир пиёла қатиқ ичганим учун кўзларим равшан.

Эрхон ҳожи бобо яқинда эҳтиёт чорасини қилиб, юрагини текширтирганини айтиб қолди. Шифокор «Сизнинг ёшингизда бундай юрак ҳақиқий мўъжиза», дебди. Оёқ-қўлларида оғриқ борлигини айтганида эса, шифокор велосипед минишни тавсия қилибди. Ҳозир Эрхон бобо қаерга борса, велосипедга ўтиради ва уни бир маромда бошқаради.

## КЕКСАЛИК — ҚУВОНЧ ЭМАС

Бундан бир аср муқаддам юзага келган геронтология фани мутахассислари қарилик профилактикаси билан шуғулланиб келмоқда. Ҳар қайси мамлакатда аҳолининг яшаш тарзи, саломатлик даражаси, меҳнат тури, овқатланиш рационини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан умр кўриш рейтинги аниқланади. Шу нарса аёнки, барчада вақти келиб қариш жараёни бошланади. Ёш улғайган сари организмда кечадиган турли ўзгаришлар, узоқ йиллар давом этадиган сурункали касалликлар кексалик даври билан узвий боғланиб кетади.

**Гули Турсунова, Яшнобод туманидаги 31-оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори:**

— Қариш ёш билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу жараённинг ҳужайралар ирсий аппаратига алоқадорлиги ҳақидаги назария кенг тарқалган. Ёш ўтган сари юрак-қон томир ва асаб системасида зўриқиш кузатила бошлайди. Генларда кўплаб шикастланиш ва жароҳатланиш юзага келиб, умумий стимулни бузади. Инсоннинг қаришини табиатдаги ҳар бир тирик организмнинг эскириши, куч-қувватдан қолиши, буни янгилаш ва тиклаш имконияти мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Кексаларда нерв ҳаракатчанлиги сусайиши туфайли ташаббускорлик, меҳнат қобилияти пасаяди, лоқайдлик, бефарқлик устун келади, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш қийинлашади... Қандай ҳолат кечишидан қатъи назар, кексаликка етиш, фарзандлар ва невара-чеваралар қуршовида юрган яхши.

Қариганда ухлатиш, оғриқ қолдириш, тинчлантириш хусусиятига эга, шунингдек, асаб системаси стимулятори бўлган қуюқ қаҳва, аччиқ чойга ружу қўйишдан сақланиш керак. Кексалик даврида чиниқиш муолажаси тавсия қилинади. Бу эса организмнинг муҳитга мослашувчанлигини тиклайди, касалликка қарши курашишда чидамлиликни оширади. Бироқ чиниқиш муолажалари турини ва қанча вақт шуғулланишни шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Организмда ёшга хос ўзгаришлар, сурункали касалликнинг давом этиб келиши чиниқиш муолажаларини қўллашда эҳтиёткорликни талаб қилади.

## ОТАСИГА ҚИЛГАНИ ФАРЗАНДИДАН ҚАЙТАДИ

Кексаларга ҳурмат ўзбек халқининг азалий қадрияти бўлиб, ҳаётда худди шунинг ифодаси ва исботини кўрамиз. Куч-қувватдан қолган ота-онасини кимки асраб-авайлаяптими, айнан шу ҳолат унга фарзандидан қайтади. Гўдакка айланиб қолган отасини силтаб ташлаган фарзанд вақти келиб, ўғил-қизларидан таъна-маломат эшитса, ҳеч кимга ҳасратини тўкмай қўя қолсин. Қайтар дунёда яхшиликка эзгулик, ёмонликка жазо бор. Ҳаётнинг ёзилмаган қонун-қоидасидан ёш авлодни бохабар этиб бориш уларни турмуш сўқмоқларида учраши мумкин бўлган жарлик ва фожиадан асрайди.

**Саодат Кудратова, Зангиота туманидаги 36-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Ҳаёт чархпалаги тинимсиз айланади, ота-оналар қарийди, фарзандлар улғаяди, оила қуради ва вақти келиб, улар ҳам куч-қувватдан қолади. Бу азалий ҳақиқатни ўқувчилар онгига сингдириб боришда ўзбек халқи турмуш тарзида қадрият даражасига кўтарилган қарияларни қадрлаш, дуосини олиш ҳақидаги тушунча муҳим ўрин тутади. Ўзбекона урф-одат ва миллий қадриятлар 6-синф «Она тили» дарслигидаги мавзулар орқали, айниқса, чуқур ифодаланган. Жумладан, «Қарияларни қадрлайлик» мавзусидаги дарсимда ўқувчилар ўртасида ўтказган сўровнома орқали 12 нафарининг буви-бувaси борлигини аниқладим. Улар босиқ, вазмин, одоб-ахлоқи билан тенгқурларига ўрнак. Шу ўқувчиларим ўз буви-бувалари билан қандай муносабатда бўлишлари тўғрисида синфдошларига сўзлаб бердилар. «Қарияларни қадрлайлик» мавзуси бўйича баён ёзишни уйга вазифа қилиб тайинладим. Бир-бирига ўхшаш-ноўхшаш матнларда ўқувчиларимнинг қариялар дуосини олиш, ҳурматини жойига қўйиш, панд-насиҳатига амал қилиш бўйича ёзган фикр-мулоҳазалари мени ҳайратда қолдирди.

***Узоқ йиллар мобайнида тўплаган ҳаётий тажрибаси билан ёшларга панд-насиҳат берадиган, тўғри йўл кўрсатадиган пиру бадавлат отахону онахонлар билан хонадонларимиз файзли. Бинобарин, улар билан изма-из ёши улғайиб келаётган фарзанд ва неваралари ҳам кексалик даврига етганларида шундай иззат-икромга муносиб бўлсинлар.***

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Ma’rifat» мухбири**

---

Kuzatuv

# АМАЛИЁТДА ҲАЁТ ДАРСЛАРИ

***Кузнинг майин ёмғирдан кейинги соҳир соатлари... Заррин, олтин япроқлар тўшалган йўлаклар бўйлаб саф тортган ўриндиқларда ўтирган, гоҳ табассум билан, гоҳи ўйчан нигоҳларда суҳбат қураётган нуронийларни кузатиб, кексайган табиат билан инсонлар ўртасидаги ўхшашликдан ўйга чўмасиз. Атрофи яшилликка бурканган сўлим боғ дарвозасига «Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати» деб ёзилган. Юзларига сочилган ажинларда ҳаёт ҳикояси битилган, кичрайиб қолган кўзларида тақдир синовлари кўринган нуроний, мунис чеҳраларга боқиб, қалбингизда увишган нотаниш оғриқ, чап кўксингизни жимирлатган ўртанишдан меҳр-мурувват деган туйғуларни таниисиз...***

Шу он оппоқ халат кийган ёш ҳамшира қизлар боғ қўйнига кириб келди. Қарияларнинг дам олиш соати тугади чоғи, бири мўйсафидни қўлтиғидан тутса, бошқаси ногиронлар аравачасини юргизар, яна бири ўз бувисини етаклагандек меҳрибонлик билан кекса онахонни қўлидан тутиб, ётоқхонага бошларди.

— Ҳамшира қизлар Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчилари, — дейди пансионат директори Турсунмурод Эшиев. — Йил давомида ушбу коллеж ўқувчилари амалиёт дарсларини пансионатимизда ўтаб, амалий билимларга эга бўлибгина қолмай, иш-фаолиятимизга ҳам кўмак бериб келишмоқда. Айниқса, меҳр-мурувватга муҳтож қариялар ўз бобо ва бувисига қарагандек парвона бўлувчи, парваришлаб, соғлиқларига қайғурувчи йигит-қизлардан жуда миннатдор. 126 фахрийлардан 93 нафари доимий, давлат бюджети асосида, яъни якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож инсонлар бўлса, 42 нафари хўжалик келишув асосида, яъни фарзандлари, қаровчилари узоқ сафарга кетган ёки бошқа сабабларга кўра тўлов асосида истиқомат қилувчи фахрийлар ҳисобланади. Яқинда пансионатимизга қўлида иш-анжомларини кўтариб бир нечта йигит-қиз кириб келди. Улар билан танишсак, мустақил тарзда сартарошлик ўқув курсларида ўқиётган ва баъзилари «Гўзаллик салонлари»да шогирд тушиб, мустақил тарзда касбий билим олаётган ёшлар экан. Улардан бир гуруҳи қария отахонларнинг соч-соқолини олса, бошқаси онахонларнинг сочларини парваришлаб, турли услубларда, ёшларига мос қилиб турмаклаб, кўнгилларини кўтарди. Бугунги билимли, зукко ва шу билан бирга, миллатимизга хос бўлган азалий қадриятлар бўлмиш меҳр-мурувватни ўзида сингдирган ёш йигит-қизлардан жуда мамнун бўлдик.

Дунёдаги энг арзон совға бу — ширин сўз, энг шифобахш дори бу — меҳр дейдилар. Қолаверса, халқимизда «табассум ҳам садақа» деган ҳикмат бор. Миллатимизга хос бўлган силаи раҳм, инсонпарварлик каби туйғулардан ҳеч ким дарс бермайди, бу эъзозли қадриятлар қондан-қонга ўтиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаверади.

***Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Бир инсон ҳожати учун кичкина ёрдам ҳам катта мамнуниятга сазовор бўлиши мумкин. Амалиёт дарсларини қариялар яшаш жойида ўтаётган ёш йигит-қизлар нафақат касбий сабоқ, балки ҳаётий дарслар ҳам олишаётганига гувоҳ бўлдик.***

— Мана шу пансионатда 17 йилдан буён истиқомат қиламан, — дейди 85 ёшли онахон Валентина Чикова. — Ўнга яқин миллат вакиллари яшайдиган ушбу даргоҳдаги қулай ва бекам шарт-шароит билан бир қаторда, давлатимиз, ўзбек миллатининг одамийлиги, меҳрибонлиги сабаб ўзимизни сира ҳам ёлғиз ҳис этмаймиз. Амалиёт машғулотларини ўташга келган ўқувчи ва талабаларнинг бизга бўлган илиқ муносабати, яхши парвариши, етарли билим ва тарбияси ҳаммамизни қувонтиради.

Ўзбек халқининг баҳосини мен мана шу жойга келиб янада яхшироқ англадим. Баъзида пансионатимиз дарвозасидан саватларда бир тандир, иссиқ нонни кўтариб новвой-тадбиркорлар кириб келади. Ширмой нонларни бизга улашиб, ҳатто ўзини таништиришни ҳам андиша билиб, «ўнг қўлинг қилган яхшиликни чап қўлинг билмасин» дея шошиб чиқиб кетадилар. Қолаверса, ҳайит айёмлари, рамазон ойларида ҳолимиздан хабар олиб, қўй сўйиб, ош қилиб берадиган саҳий ва бағрикенг инсонларни кўриб ҳам яшашга бўлган иштиёқинг ортади.

Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Бир инсон ҳожати учун кичкина ёрдам ҳам катта мамнуниятга сазовор бўлиши мумкин. Амалиёт дарсларини қариялар яшаш жойида ўтаётган ёш йигит-қизлар нафақат касбий сабоқ, балки ҳаётий дарслар ҳам олишаётганига гувоҳ бўлдик.

— «Қарияларда ҳамширалик иши» фанидан диплом олди амалиётимни ушбу пансионатда ўтаяпман, — дейди Тошкент тиббиёт коллежининг ҳамширалик иши йўналиши 3-босқич ўқувчиси Назокат Ботирова. — Малакавий-битирув ишимни назарий билимларим билан бирга, гўё қисса ёки кичик бадиий асар ёзаётганга ўхшайман. Чунки бу ерда олаётган сабоқларим, нуронийларнинг панд-насиҳатлари бизга катта ҳаёт дарсини ўтамоқда. Юришда қийналаётган қарияларни хоналарига кузатиб қўйиш, ўринларини йиғиштириб, созлаш, физиотерапия, магнит, иссиқлик ванналари билан даволаш, юқори калорияли, тез ҳазм бўладиган парҳезли таомлар билан овқатлантириш каби кўникмалар касбимизни янада пухта эгаллашга доир тажрибаларимизни оширмоқда. Айниқса, манипуляция (муолажа) хонасида ўтаётган амалий дарсларимиз жуда қизиқарли ва сермазмун бўлмоқда. Қарияларнинг томирлари жуда нозик бўлгани сабаб, уларга укол қилиш анча мураккаб. Амалиёт жараёнида озор бермай, хато қилмай муолажа қилиш учун фақат назарий билимларнинг ўзи етарли эмаслигини тушундим. Қолаверса, тез-тез гимнастика қилдириш, мусиқий машқлар ўтказиш, уларнинг вазиятини ўзгартириб туриш пневмония касаллиги пайдо бўлишининг олдини олишини билиб олдик.

Ҳазрат Алишер Навоий «инсон бўлиб дунёга келдингми, бирор касбни эгалла, ҳунар ўрган, шунда дунёдан ҳаммомга кириб тоза ювиниб чиқмаган кишидек ўтмайсан» деганлар. Касб-корга эга бўлиш фақат мутахассислик дипломи билан эмас, балки билим ва тажриба билан ҳам баҳоланиши бугуннинг асосий талабларидандир.

— Амалиёт жараёнларини намунали ташкил этиш учун муассасамизда барча шарт-шароитлар етарли, — дейди Турсунмурод Эшиев. — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда талабалар фахрийлар тураржойи ҳамда 40 ўринли касалхонамизда ўтаб келишмоқда. Тажриба ва фаолиятимиз жараёнида аниқланган хулосаларга кўра, қарияларни даволаш учун герентолог (қарияларни даволовчи мутахассис) ҳамда тиббиёт психологларига зарурат бор. Сабаби, бетоб қариялар билан одатий беморлар орасида катта фарқ мавжуд. Организми ва асаб тизими толиб, нозиклашиб қолган қарияларни махсус шифокорлар, яъни геронтология курсини ўтаган шифокорлар даволаб, муолажа қилса самарадорлик янада юқори бўлади. Педагог-психологлардан кўра тиббий психологлар руҳиятни коррекция ва муолажа қилиш услубларини пухтароқ эгаллаган бўлади. Шунинг учун ҳам биз амалиёт дарсларига келган ёшларни тиббиёт соҳасининг ушбу йўналишларига қизиқтиришга, жалб этишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Ёшлар ва қариялар ўртасидаги илиқ муносабатни таъминлаб бераётган амалиёт жараёнлари иш-фаолиятимизда ижобий ўзгаришларни юзага чиқармоқда, — дейди пансионатнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ходими Ойгул Муҳаммадиева. — Ўқувчилар тиббиётга оид билимларни олиш билан чекланмай, бўш вақтларида муассасамиз томонидан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар, яъни қарияларни кино, театр, концерт, музей ва дам олиш масканларига олиб бориш, ҳаракатланишда ёрдамга муҳтож инсонларга кўмаклашиш, уларга ҳамроҳ, ҳамсуҳбат бўлишда ҳам дастёрлик қилишмоқда. Шунингдек, пансионатимизга тез-тез Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари ҳам ихтиёрий тарзда ташриф буюриб, ўзларининг концерт дастурлари билан нуроний фахрийларимизнинг кўнгилларини кўтариб, мароқли дам олишларига катта кўмак бериб келишмоқда. Ёшларимизнинг бу каби саъй-ҳаракатлари, тарбия ва одоблари, билим ва истеъдодларини кўриб, хурсанд бўласан киши.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейди доно халқимиз. Ўзбек оиласида ўзидан катталарга ҳурмат, нуронийларга эҳтиром каби бебаҳо фазилатлар асрларки умрбоқий яшаб келмоқда. Миллий қадриятларга содиқ, ватанпарвар, халқпарвар бўлиб тарбияланаётган бугунги ёшлар келажаги буюк давлатимизни бошқарадиган комил инсонлар бўлиб етишишига ишонч билдириб қоламиз!

**Маърифат ТЕМУРЗОДА,**
**«Ma’rifat» мухбири**

# ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда Африканинг Гвинея, Сьерра-Леоне, Либерия, Конго Демократик Республикаси, Нигерия ва Сенегал давлатларида одамлар орасида ўта хавфли вирусли, юқори юқувчанликка эга эбола иситмаси касаллиги бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашмоқда. Жорий йилнинг 15 октябрига қадар тўққиз минг нафарга яқин бемор рўйхатга олинган, уларнинг қарийб ярми шу касалликдан вафот этган.**

Мазкур халқаро ташкилотнинг шу йил 8 августда бўлиб ўтган йиғилишида эндемик ҳудудларда эбола иситмаси бўйича юзага келган ушбу ҳолат "Дунё миқёсидаги хавф" деб баҳоланди.

Хўш, ушбу глобал муаммонинг пайдо бўлишига, инсон саломатлиги ва ҳаётига жиддий таҳдид туғдиришига сабаб бўлган омиллар нималардан иборат? Мамлакатимизда ушбу хавфли инфекция кириб келишининг олдини олиш ва касалликдан ҳимояланиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

**ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачи Саидмурод САИДАЛИЕВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.**

— Эбола вируси кўзғатадиган эндемик касаллик асосан Африка қитъаси давлатларида учрайди, — дейди С.Саидалиев. — Ушбу хасталик биринчи маротаба 1976 йили Конго Демократик Республикаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Эбола дарёси бўйида жойлашган аҳоли пунктларида рўйхатга олинган ва шу боис ушбу ном билан юритила бошланган. Касалликнинг асосий клиник белгиси иситма бўлгани боис эбола иситмаси деб ҳам аталади.

Бугунги кунгача Европанинг бир қатор давлатларида ҳам ушбу касаллик қайд этилган.

Экспертлар фикрича, касалликнинг Африканинг ғарбий давлатларида бундай тез тарқалишига соғлиқни сақлаш тизими даражаси пастлиги, эпидемияга қарши кураш хизматлари ва тизимининг деярли йўқлиги, даволаш-профилактика муассасаларининг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмагани, аҳолининг тиббий-санитария маданияти етарли даражада эмаслиги ва касаллик манбаи деб гумон қилинаётган баъзи ёввойи ҳайвонлар гўштининг истеъмол қилиниши сабаб бўлмоқда.

**— Касаллик бўйича юртимиздаги эпидемиологик вазият, эпидемияга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида тўхталсангиз.**

— Эбола иситмаси минтақамизга хос касаллик бўлмагани учун маҳаллий ҳолат сифатида рўй бермайди. Аммо ҳозирги глобаллашув жараёнида халқаро савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва бошқа алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланиши, айниқса, ҳаво транспорти орқали йўловчи қатновининг кенгайиши дунёнинг исталган давлатида мазкур касаллик кириб келиши ва тарқалиши хавфини юзага келтиради.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу касаллик мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Тошкент халқаро аэропортининг учиб келиш залларига ўрнатилган замонавий тепловизорлар орқали келаётган ҳар бир авиайўловчи тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Шундай тепловизорлар сайёҳлар ва тадбиркорлар кўп келадиган Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Навоий шаҳарлари аэропортларига ҳам ўрнатилган. Тиббий текширувларни ўтказишга "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий

**Ogohlik**

авиакомпанияси давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг санитария-назорат бўлими мутахассислари билан бир қаторда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли вирусология ва эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтлари клиникалари шифокорлари ҳам жалб этилди.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларидаги санитария-назорат пунктларида мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган фуқаролар замонавий пирометрлар (масофадан тана ҳароратини ўлчаш жиҳози) ёрдамида текширилмоқда. Барча санитария-назорат пунктлари мутахассислари етарли миқдорда замонавий шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Агар авиайўловчилар ва мамлакатимиз чегараларини кесиб ўтаётган фуқаролар орасида касалликка гумон қилинганлар аниқланса, санитария-назорат бўлими ходимлари, аэропортда навбатчилик қилаётган мутахассислар ҳамда аэропорт тиббий пункти тиббиёт ходимлари билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасида эбола касаллигига гумон қилинганларни госпитализация қилиш мақсадида босими бошқариладиган махсус бокслар ҳозирланган. Клиникада етарли миқдорда зарур дори-дармонлар, шахсий ҳимоя ва зарарсизлантирувчи воситалар захираси тайёрланган. Вилоят юқумли касалликлар шифохоналарида ҳам захира ятоқлари ажратилди.

2014 йилнинг октябрь ойидан хорижий сафардан қайтаётган юртдошларимизнинг саломатлиги юқумли касалликлар шифокори билан кучайтирилган таркиб ёрдамида тепловизорлар воситасида назорат қилиб борилмоқда.

Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг ҳушёрлиги, билим ва савиясини ошириш мақсадида санитария-эпидемиология назорати марказлари мутахассислари, юқумли касалликлар шифокорлари ва вирусологлар иштирокида эбола иситмаси этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, даволаш усуллари, профилактикаси ва эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирларига бағишланган семинарлар ўтказилмоқда.

Касалликка қарши курашишнинг муҳим йўналишларидан бири аҳоли ўртасида санитария-эпидемиология тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ва тиббий-санитария тарғиботини кенгайтиришдир. Бу борада жойларда зарур чора-тадбирлар ташкил этилаётир. Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида юртимизда санитария-эпидемиология ҳолати барқарорлиги таъминланмоқда.

**— Касалликнинг клиник белгилари қандай намоён бўлади?**

— Эбола иситмаси касаллигининг яширин даври 2 кундан 21 кунгача давом этиши мумкин. Бунда тана ҳарорати кўтарилади, иситма, ич кетиши, қорин ва мушакларда оғриқ, қусиш, милкдан, бурундан, ошқозон-ичаклардан қон кетиши кузатилади. Бундай белгилар аниқланганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Шуни афсус билан таъкидлаш зарурки, бугунги кунгача касалликнинг махсус даволаш усуллари ва эмлаш воситалари ишлаб чиқилмаган. Касалликнинг профилактикаси сифатида эбола иситмаси авж олган ҳудудларга боришни вазият изга тушгунча тўхтатиш, эпидемия ўчоқларидан бошқа ҳудудларга борганларни тиббий кузатувга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Хонадонларда эса тиббий-санитария маданиятига қатъий риоя этиш, шахсий гигиена, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу орқали ҳар бир инсон ўзи ва яқинларининг саломатлигини муҳофазалаш, шунинг баробарида юртимизда санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлашга муносиб ҳисса қўшган бўлади.

**ЎзА мухбири
Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда дунё мамлакатларини ташвишга солаётган турли юқумли хасталиклар, хусусан, ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги "2014—2016 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Самарқанд вилоятида ҳам тегишли дастурлар асосида муайян ишлар амалга оширилиб, жумладан, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази фаолияти такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Марказнинг ўзида, туман ва шаҳарлардаги тиббий муассасаларда замонавий ташхис лабораториялари, ишонч хоналари ташкил этилди. Аҳолини самарали тиббий кўрикдан ўтказиш ва аниқ ташхис қўйиш имкониятлари кенгайди.

**Tibbiyot**

— ОИВ/ОИТСга қарши курашиш, хасталик тарқалишининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори ўринбосари Қурбон Умаров. — Вилоятимизда ўтган йил билан таққослаганда ОИВ инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичлари ва эпидемик вазият барқарорлашган. Лекин бу хотиржам бўлиш керак, дегани эмас. Инсоният келажагига таҳдид соладиган бундай хасталиклардан ҳар бир инсон огоҳ бўлиши, унинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамоат ташкилотлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, саломатлик марказлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллалар, таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида ўтказилаётган учрашув ва семинарлар касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, узоқ вақт хорижда бўлиб қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга энг асосий вазифа сифатида қараш зарур. Мазкур тоифадаги кишиларда хасталикни юқтириш ҳолатлари кўп кузатилган. Бу айрим юртдошларимизнинг ноқонуний равишда хорижий мамлакатларга бориб, у ерда номуносиб турмуш шароитида ҳаёт кечириши оқибатида юзага келаётир. Шунинг учун узоқ вақт хорижий мамлакатда бўлган фуқаролар вилоятга келиши билан ўзлари яшаб турган ҳудуддаги поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктида тиббий кўрикдан ўтказилаётир.

Никоҳланувчи шахсларнинг никоҳдан олдин мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтиши қатъий белгилаб қўйилгани ҳам соғлом оилани шакллантириш ва баркамол фарзандлар тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Марказ мутахассислари томонидан ОИВ/ОИТСга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар замирида аҳолини, айниқса, ёшларни соғлом турмуш сари интилишга рағбатлантириш мақсади мужассам. Зеро, ҳар бир фуқаронинг огоҳ ва ҳушёрлиги, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшаши касалликка қарши курашишнинг энг муҳим омилидир.

**Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири**

*Fanimiz fidoyilari*

***Илм билан шуғулланиш инсондан катта куч, сабр ва матонат талаб қилади. Бу машаққатли меҳнатнинг, изланишнинг тотли ҳузури ҳам бор, албатта. Илм орқали элнинг назарига тушиш, халқ эътирофига сазовор бўлиш ҳақиқий олим учун олий саодат. Таниқли олим, журналист, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бойбўта Дўстқораев ҳам ана шундай элнинг назарига тушган, жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган олимлардан биридир.***



# ОЛИМЛИК САОДАТИ

У 1965 йили ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаб, педагогик фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлади. 1968-1969 йиллари болалар газетасида ишлади. 1969 йилдан ТошДУ журналистика факультетида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида меҳнат қилади. 1999 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи кафедрасини бошқарди.

Б.Дўстқораев дастлаб адабий танқидчилик борасида тадқиқотлар олиб бориб, 1986 йили номзодлик диссертациясини ёқлаганига қарамай, илмий-ижодий фаолиятининг асосий қисмини матбуот тарихини ўрганишга бағишлади. Матбуот тарихига қизиқиш олимда ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта. Бунга XX аср бошлари миллий адабий муҳитни тадқиқ қилиш жараёнида ўзи фаолият олиб бораётган журналистика соҳасига, аниқроғи, миллий матбуот тарихига оид зарур ва қизиқарли манбалар билан тўқнаш келгани сабаб бўлса, ажаб эмас. Бунинг натижасида Беҳбудий, Мунавварқори, А.Авлоний, Чўлпон, Фитрат, ҳожи Муин, Убайдулла Асадуллахўжаев, Саидризо Ализода сингари маърифатпарвар зиёлиларнинг журналистик фаолиятини чуқур ўрганиш орқали илмий жамоатчиликка жуда кўп янгиликларни тақдим этди. Энг муҳими, ўша даврда Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий матбуотнинг тутган ўрнини тўғри кўрсатиб берди. Домла ўзи ўрганган маърифатпарварларнинг ҳар бири шахсига чуқур ҳурмат билан ёндашди. Буни унинг матбуотда чоп этилган Беҳбудий, Мунавварқори, Чўлпонга бағишланган мақолалари мазмунидан ҳам кўриш мумкин.

Бойбўта домла илмда шошма-шошарликка ҳеч тоқат қилолмайди. "Шошма-шошарлик — хато қилишга шароит яратади", деб кўп таъкидлайди. Илмий тадқиқот устида иш олиб бораётганларнинг тинимсиз изланиши, мунтазам ўз устида ишлаши, ҳаракатчанлиги, тезкорлигини қадрлаган ҳолда, ўйламай айтилган гапнинг хато эканлигини асослаб беради. Ўзи эса илмга ўта босиқлик билан ёндашади, мавзуни обдон ўрганиб чиқади, бу борада мутахассисларнинг фикрлари, илмий қарашларини таҳлил қилади. Топган янги илмий манбалар устида узоқ, ҳафталаб, ойлаб ишлаши мумкин. Ҳатто ўзи маъносини англамаган битта сўзнинг изоҳи, иборанинг мазмуни ҳақидаги маълумотларни топмагунча ўша сўзни қўлламайди. Вақт ўтган сари, илмий-педагогик фаолиятимиз давомида домланинг тутган йўли тўғри эканлигига амин бўламиз. Янги топган манбалари ҳақида ўйлаган илмий тахминини ўзаро суҳбатларда айтса-да, ўзи асосламагунча эълон қилишга шошилмайди. Ниҳоят ёзилган мақола ёки маърузада муайян мавзуга оид янги бир топилдиқ ёки яхши фикр, ўзига хос ёндашувни кўрасиз. Бундай мақолаларнинг муайян нашрда чоп этилиши ўзига хос воқелик бўлиб, бир зумда илмий жамоатчиликнинг эътиборига тушади. Шунинг учун бўлса керак, соҳа кишилари ва адабий жамоатчилик Бойбўта домлани яхши билади, олим сифатида ҳурмат қилади.

Устоз матбуот тарихини ўрганишда биринчи манбадан фойдаланиш, ҳақиқатни ойдинлаштиришда холис тарихий ҳужжатларга таяниш жуда муҳим роль ўйнашини теран ҳис этадиган олимлардан. Бунинг учун тинимсиз изланишдан, эски қўлёзмаларни кўчиришдан чарчамайди. Уларнинг бир қисми матбуотда чоп этилган мақолалари орқали ёритилган бўлса, қолганлари 2009 йили нашрдан чиққан "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" дарслигида акс этган.

Бойбўта Дўстқораевнинг матбуотимиз тарихи ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини, ҳали ҳеч ким айтмаган, ҳеч ерда ёзилмаган янги маълумотларга бой маърузаларини тинглаган, илмий-оммабоп мақолаларини ўқиганлар бу китобни анча аввалроқ кутишган эди. Домла дарслик яратишни режалаштирганига қарамай, уни чоп этишга, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишга шошилмади. Натижада, ўзбек журналистикаси тарихида салмоқли, мукаммал тадқиқотни яратди.

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек журналистикаси тарихи миллий ўзликни англаш мезонлари асосида қайта ўрганишга киришилди. Унда тарихий ҳақиқатларни холис ёритиш ва миллий озодлик учун курашган аждодларимизнинг хизматларини муносиб баҳолаш муҳим масалалардан эди. Истиқлолнинг дастлабки йиллари матбуотимиз тарихига дахлдор манбаларни қайтадан ўрганишга киришган олиму-тадқиқотчилар орасида Бойбўта Дўстқораевнинг алоҳида ўрни бор.

Унинг "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" дарслигида миллий матбуотнинг 120 йилдан зиёд тарихи, дастлабки газеталардан тортиб то ҳозирги ОАВнинг мураккаб ва кўп тармоқли тизими тадқиқ этилган. Бу китобнинг шу пайтгача яратилган бошқа манбалардан фарқи шундаки, унда миллий матбуотимизнинг эътибордан четда қолган саҳифаларига ўрин берилган. Масалан, миллий журналистикамиз тарихида Бухоро матбуоти умуман ёритилмаганди. Дарсликда XX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва бу ерда чоп этилган "Бухорои шариф", "Турон" сингари миллий газеталар ҳақида муфассал баён қилинади. Шунингдек, чор Россияси мустабид тузумининг нашри "Туркистон вилоятининг газети" билан миллий матбуот орасидаги мафкуравий кураш масалаларига эътибор қаратилган. Унда XX аср бошларида зиёлиларимизнинг ўта оғир шароитда миллий матбуотни ташкил этишдан кўзлаган мақсадлари, "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Осиё" газеталари орқали мустабид тузум билан мафкуравий муҳораба олиб бориши, миллий зиёлилар ижтимоий-сиёсий онгининг шаклланишига хизмат қиладиган ушбу нашрларнинг ёпилиши ҳақида қимматли фикрлар берилган.

Ахборот хуружлари кескинлашган ҳозирги даврда, миллий журналис тикамизнинг мафкуравий асосларини белгилашда дарсликда илгари сурилган фикр ва ғоялар ниҳоятда қадрлидир. Бундан ташқари, дарсликда ўрганилган, тадқиқ этилган ҳар бир манбага илмий нуқтаи назардан холис ёндашилган.

Шу билан бирга ушбу дарсликнинг ютуқларидан яна бири ҳар бир манба юзасидан шарҳларнинг бериб борилишидир. Унда бир қатор олимларнинг миллий матбуотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ мақолалари, илмий тадқиқот ишлари, дарсликларига шарҳ бериш орқали уларнинг тарихий ҳақиқатга қай тарзда ёндашганига баҳо берган. Журналистика соҳасида шу пайтгача мавжуд манбаларда бундай шарҳларни учратмаймиз.

Дарсликни ёзишга бел боғлаган устоз ёш олим ва тадқиқотчиларга ҳақиқий маънодаги фидойи олим сифатида ибрат намунасини кўрсатган. Бундай дейишимизга сабаб Б.Дўстқораев ҳар бир давр, воқелик билан боғлиқ факт ва манбаларни изчил ўрганган, кутубхоналар, хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Китоб палатаси, Ўзбекистон давлат марказий архивларда ўша даврда чоп этилган вақтли нашрларга қайта-қайта мурожаат қилган. Афсуски, миллий газета ва журналларнинг ҳамма намуналари ҳам кутубхоналарда мавжуд эмас. Мисол учун «Шуҳрат», кейинроқ чоп этилган «Шўрои ислом» газеталари юқорида зикр этилган муассасаларда йўқ эди. Ёки Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Хуршид» ҳамда Бухорода чоп этилган "Турон" газетасининг фақат биттадан сони бор эди, холос. Қолган нашрлар ҳам тўлиқ эмас эди. Бойбўта домла эса ушбу нашрларнинг кутубхоналарда йўқ сонларини Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларидаги кутубхона ва музейлар, одамларнинг шахсий кутубхоналаридан топиб, тадқиқ этган. Ҳатто айрим нашрларни хориждан топиб ўрганган.

Дарсликни илк бор варақлаганда ўша даврдаги газета ва журналларда чоп этилган мақолалардан иқтибослар ва катта-катта парчаларнинг берилиши бизнинг назаримизда ортиқчадай бўлиб кўринганди. Чунки домланинг улар юзасидан берган шарҳлари бунга ҳожат қолдирмайди, деб ўйлагандик. Аммо сўзбошида "муаллиф мазкур дарсликни замонавий тенденцияга амал қилган ҳолда яратишга уринди: фойдаланувчилар у ёки бу масалада ўзлари мустақил фикрга келишлари, шунингдек, холислик принципи талаблари устувор бўлиши учун матнлар кўпроқ келтирилди" деган изоҳидан сўнг буни табиий қабул қилдик. Қолаверса, жаҳон журналистикаси тажрибасида ҳам назариянинг амалий мисоллар билан исботланиши муҳим мезон сифатида белгиланган.

Бойбўта домланинг илмий-педагогик ҳамда публицистик фаолияти бирбири билан чамбарчас боғлиқ. Олий таълим муассасасида талабаларга сабоқ бериш баробарида янги маълумотларга бой, ўзига хос қараш, ёндашувга эга, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайдиган публицистик мақолалари билан матбуотда мунтазам иштирок этади. Ушбу чиқишларида кўтарилган масаланинг илмий-назарий, амалий моҳиятига эътибор қаратган ҳолда, унинг тарбиявий аҳамиятига ҳам алоҳида урғу бериб ўргатади. Шу боис унинг ёзган ҳар бир мақоласи, маърузаси ёки чиқишида олимларга хос билимдонлик билан бирга, айтилаётган фикрга нисбатан одоб ва андиша билан ёндашиш сезилиб туради.

Хасталиги туфайли шифокорлар домлага ўзини кўпам зўриқтирмаслигини маслаҳат берган бўлсалар ҳам, ўрганган одатидан батамом воз кечолмади. Домлани йўқлаб борганимизда ўқиган китоблари, мақолалари ҳақида гапириб, баъзи муаллифларнинг қарашларига нисбатан муносабатини билдирган бўлади. Шу енгил мулоҳазаларда ҳам салмоқли фикр, жўяли асос бўлади. Бу соҳасининг билимдони, фидойиси Бойбўта домланинг олимлик фазилатидир.

**Назира ТОШПЎЛАТОВА,**
**ЎзДЖТУнинг «Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент**

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

***Бугунги кунда тиббиёт, биология каби фан соҳаларида тез-тез қўлланилаётган илмий атамалардан бири, шубҳасиз, ген ҳисобланади. Сабаби, ген ирсий ахборотнинг сақланиши, узатилиши ва амалга оширилиши бирлиги ҳисобланади. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмигача ирсият ҳодисаси илмий жиҳатдан кўп ўрганилмаган. Аммо XVIII асрдаёқ болаларнинг ҳамма вақт ҳам ота-оналарга ўхшайвермаслиги, баъзи касалликларнинг фақатгина айрим оилаларда учраши, илмий ва ақлий салоҳиятнинг турлича бўлиши, қобилиятнинг тўғридан-тўғри наслга ўтавермаслиги тўғрисида илмий фаразлар мавжуд бўлган. Ҳаттоки, ҳозирги даврда ҳам IQ(интеллект коэффициенти)нинг ирсийланиши, ақлий салоҳият 50—60 фоиз ҳолатда инсоннинг ўзи томонидан шакллантирилиши, туғма хусусият шаклларининг мавжудлиги муаммолари олимлар орасида турли баҳслар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.***



# «УЙҚУДАГИ» «АҚЛЛИ» ГЕНЛАР

## *ёхуд ақлий қобилиятнинг ривожланиши нафақат ирсиятга, балки ташқи, яъни ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқлиги хусусида*



Ирсият тўғрисидаги дастлабки тушунчалар антик даврда қадимги юнон файласуфларининг асарларида учрайди. Масалан, Гиппократ ўз асарларида «уруғ бутун танани ҳосил қилади, соғлом уруғдан тананинг соғлом қисмлари, касал уруғлардан эса хаста қисмлар ҳосил бўлади. Кўк кўзли инсондан кўк кўзли бола, ғилайдан ғилай, тухумсимон бошлидан тухумсимон бошли фарзандлар дунёга келади» деб ёзиб қолдирган.

Платон эса ўзининг «Сиёсат» номли асарида жисмоний ва маънавий соғлом болалар туғилиши учун турмуш ўртоғини қай йўл билан танлашни, фарзандларни қандай тарбиялашни тушунтиради. Платоннинг фикрига кўра, маънавий соғломлик, ақлий салоҳият тарбия орқали шакллантирилади. Шарқ олимлари ҳам инсондаги "ақлли" генлар ва уларни "уйғотиш" тўғрисида бир қанча қарашларни илгари сурган. Олимларнинг фикрича, ҳар қандай қобилият наслдан-наслга ўтади. Лекин улар айримларда "ухлаган" ёки "ўчган" ҳолатда бўлади. Ушбу генни "уйғотиш" бевосита тарбия ва ташқи муҳитга боғлиқ, деб ҳисобланган. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино асарларида ҳам одам табиатининг шаклланишида унинг белгилари (ҳозирги замон тушунчасида — фенотипи), ички моҳияти (организмнинг ирсий ахбороти — генотипи) ва элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аҳамияти ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Генетика тарихидан маълумки, инглиз олими Галтон «Истеъдод ва феъл-атворнинг ирсийланиши» ва «Истеъдоднинг ирсийланиши» номли асарларида машҳур инсонлар шажарасини ўрганиб, руҳий ҳолат ҳам, жисмоний ривожланиш ҳам ирсийланади, деган хулосани ёзиб кетган. У белги-хоссаларнинг ирсийланишида ота-она организмларининг тенг аҳамиятга эгалигини эътироф этади. Олимнинг фикрига кўра, фақат қобилият, истеъдодгина эмас, балки бошқа руҳий, биологик хусусиятлар, чунончи, спиртли ичимликларга, дарбадар ҳаёт кечиришга мойиллик, сил, юрак хасталиклари, узоқ яшаш ҳам наслдан-наслга ўтади. Галтон инсон ривожланишида ирсиятнинг роли муҳимлигини исботлади. Кейинчалик Галтон ўзининг мақолаларида ҳар қандай қобилиятни меҳнат туфайли шакллантириш мумкинлигини ва бу жуда мураккаб жараён эканлигини айтиб ўтади. Шунингдек, агар истеъдод ва қобилият наслда бўлиб, ҳаёт давомида шакллантирилишига эътибор қаратилмаса, ирсий мойиллик туфайли уларни кейинчалик ҳам уйғота олиш мумкинлигини таъкидлайди.

Сўнгги йилларда ирсият билан боғлиқ касалликлар, муаммолар билан бир қаторда, ақлий қобилият, нутқ салоҳияти, спортга ва бошқа соҳаларга бўлган иқтидорнинг наслдан-наслга ўтиши, қандай ҳолларда бу кўпроқ фойзи ташкил этиши, мазкур хусусиятларни ҳаёт давомида ўзлаштириш мумкин ёки имконсизлиги хусусида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сўнгги изланишларда аниқланишича, болалардаги 40 фоизгача ақлий салоҳият ота-онадан ўтар экан. Узоқ йиллардан буён болалар интеллекти табиат мевасими ёки тарбиянинг маҳсули, деган муаммоли савол кўтарилиб, бу хусусда бир қанча олимлар илмий музокаралар ўтказдилар. Куинсланд университети илмий ходимлари генетик маълумотлар ва IQ даражасини билиш учун 4 мамлакатдан 1000 нафар болани атроф-муҳит таъсирларидан ажратиб олиб ўрганишди. Уларнинг аниқлашича, 20 дан 40 фоизгача болада ақлий салоҳият ирсий омилларга боғлиқ. Шунингдек, илмий изланишлар 40—50 фоиз болада IQ тарбия маҳсули эканини кўрсатди. Мазкур университет доктори Бебен Беняменнинг таъкидлашича: "ДНКдаги маълумотлар жуда қимматли бўлиб, буни аслида қобилият деб атаймиз. Аммо болаларнинг ақлий салоҳиятни мерос қилиб олиши асосан муҳит билан бевосита боғлиқ". Олим мазкур генларни ҳақли равишда "ақлли генлар" деб атайди.

Доктор Бенямен ва унинг касбдошлари бошқа бир илмий тажрибада 18 минг нафар австралиялик, нидерландиялик, буюк британиялик ва АҚШлик болаларнинг IQ даражасини билиш мақсадида оддий ДНК таҳлилини ўтказишди. Тадқиқотларда IQ даражаси бир хил бўлмаган турли ёш тоифасидаги болаларнинг ота-оналари ДНК текширувидан ўтказилганда, болалар ва уларнинг ота-оналари ақлий салоҳияти даражаси орасидаги фарқ аниқланди. Доктор Бенямен, фақат IQ бўйича эмас, организмда кечадиган моддалар алмашинуви, физиологик ҳолатларни ҳам ўрганди. Унинг аниқлашича, отадаги 70 фоиз физиологик ҳолатлар қиз фарзандга, онадаги физиологик ҳолатлар эса ўғилга ўтар экан. Ҳатто у бир маърузасида бунинг исботи сифатида онасида учраган оддий касалликларга ўзи ҳам чалинганини айтиб ўтган. Унинг тадқиқотлари IQ кўп ҳолларда отадан мерос бўлишини, физиологик ҳолатлар эса асосан онадан ўтишини кўрсатади.

Илм-фан яна шуни исботлайдики, жамики одамзотда "ақлли" генлар мавжуд. Бироқ ушбу генлар аксарият ҳолда "ухлаган" ҳолатда учрайди. Чунки, ҳар бир инсоннинг ҳеч бўлмаганда еттинчи ёки ҳатто ундан ҳам олдинги аждодида, албатта, "ақлли" генлар ўз самарасини юзага чиқарган. Бироқ кейинги авлодларда ушбу генлар тинч ҳолатда наслдан-наслга ўтаверган. Уларни уйғотиш учун эса ота-оналар фарзандларига ўқиш ва ҳаракат қилиш кераклигини, тинимсиз интилишлар орқали ҳар қандай қобилиятни шакллантиришни уқтиришлари, ўзлари ҳам бу борада намуна бўлишлари лозим. Масалан, ўзида бирор қобилиятни шакллантирмоқчи бўлган одам асосан куннинг биринчи ярмида шу иш билан машғул бўлиши зарур. Олимлар ўз фикрига далил сифатида спортга иқтидори йўқ деб ҳисобланган қанчадан-қанча спортчининг тинимсиз меҳнат орқали энг юқори чўққиларни забт этганини мисол қилиб келтирадилар. Бундан ташқари, ота кучли математик ёки спорт устаси бўла туриб, фарзандида бу қобилиятларнинг кузатилмаслиги ҳам табиий. Бунда бошқа бир ген унинг истеъдодини намоён қилувчи гендан устунроқ бўлади ва у истеъдод сифатида шаклланади. Афсонавий футболчи Пеленинг ўғли моҳир тадбиркор бўлиб, унинг футбол бўйича ҳеч қандай натижага эришмаганини мисол қилишимиз мумкин.

Сўнгги пайтларда жисмоний қобилиятни аниқлашни такомиллаштириш мақсадида наслдан-наслга ўтувчи белгилар — генетик маркерларни қўллашга асосланган янги изланиш услубларидан фойдаланилмоқда. Генетик маркерларга — қон гуруҳлари, дерматоглифик (бармоқ излари), одонтоглифик (тишлар тузилиши) белгилар ва хромасомаларнинг маълум лохусларида жойлашган генетик тизимлар киради. Генетик маркерлар турғун бўлиб, улар онтогенез (организмнинг юзага келгандан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўли) мобайнида ўзгармайди. Б.Никитюк (1985), А.И.Клиорин (1987), В.Шварс (1990), В.Рогозкин каби олимларнинг таъкидлашича, генетик маркерлар жисмоний ўсиш кўрсаткичларига, тананинг умумий тузилиши ва ҳаракатланиш қобилиятига таъсир этади. Спортдаги ютуқларнинг, хусусан, тананинг энергетик имкониятлари, мушаклар кучи, нафас олиш тизими, юрак қон-томир тизими фаолияти кабиларнинг 80—90 фоизи генетик изоҳга эгалиги қатор илмий ишларда ўз тасдиғини топган. Бу тадқиқотларда ҳар қандай қобилиятни шакллантириш мумкинлиги исботланган. Агар бу ҳолатда ирсиятда шу соҳага мойиллик бўлса, қобилиятнинг намоён бўлиш жараёни осон кечишини таъминлайди.

Барча организмлар ташқи муҳит шароитига мослашиб, муайян шароитга кўникма ҳосил қилган. Шунинг учун у маълум шароитда яшаши ва ривожланиши мумкин. Организм бутун ривожланиш жараёнида уруғланган тухум ҳужайрадан то вояга етгунга қадар тўхтовсиз генотип назорати остида ва ташқи муҳит таъсирида бўлади. Одам ўзининг биофондини, яъни бутун организмини — кўз, соч ранги, органлар шакли, асаб тизими кабиларни мерос қилиб олади. Бироқ бола туғилганидан бошлаб у ижтимоий муҳит шароитида ўсиб, ривожланиб боради, биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсири натижасида ўзига хос шахсий хусусиятларга эга организм шаклланади. Улар фенотипни белгилаб беради.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, юртимиз ёшлари генотипида ҳам илм-фан ва бошқа соҳаларда улкан натижаларга эришишга қодир ирсий салоҳият мавжуд. Чунки биз бутун дунёга илм-фан, маданият, адабиёт соҳасида донг таратган буюк алломалар — Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк бобокалонларимиз авлодларимиз.

Албатта, одамдаги генотипик имкониятларнинг фенотипда намоён бўлиши ташқи ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ. Мустабид тузум даврида бундай ижтимоий омиллар чекланган бўлса, мустақилликка эришганимиздан бошлаб юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама эркин камол топиши учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилмоқда. Барча имкониятлар муҳайё қилинган юртда яшар эканмиз, демак, "ақлли" генларни уйғотиш фақат ўз қўлимизда.

**Дилнавоз БЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультети магистранти**

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

## ЁРУҒЛИК ЁРДАМИДА 3 КИЛОМЕТРГА АХБОРОТ УЗАТИЛДИ

***Симсиз таралувчи ёруғлик ёрдамида маълумотларни узатиш Ғарб олимларининг қизиқишига сабаб бўлди. Айрим тасаввурларга кўра, яқин келажакда уларни Wi-Fi тизими билан алмаштириш имкони пайдо бўлади.***



Бу борадаги илмий тадқиқотлар бир неча йилдан бери амалга оширилмоқда. Жумладан, австриялик олимлар ушбу тизим асосида айланма ёруғликни уч километр масофага узатишга муваффақ бўлди. Сўнгги хулосаларга кўра, улар биринчи бўлиб очиқ ҳавода шундай нурни узоқ масофага етказишга эришишди, дея ёзилади "New Journal of Physics" нашрида.

Айланма ёруғлик тўлқинларнинг спиралсимон ҳаракатланиши шаклида намоён бўлади. Илгари ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, белгиланган узунликдаги айланма тўлқинлар узатилаётган маълумотни кучайтирувчи канални юзага келтиради. Бунда олимлар ҳаво орқали эмас, балки оптик тола билан сониясига тахминан 2,5 терабит (тахминан 66 дона DVD-дискка сиғадиган) маълумотни узатишга эришган. Бироқ кабел воситаси ҳар доим ҳам ишончли бўлмаслиги мумкин. Масалан, кабеллар орқали Ердан туриб фазо ёки узоқ масофага ахборот етказиш мушкул.

Мазкур тадқиқот иши якунида физиклар ёруғлик узатишда лазер нурлари ва линзалардан фойдаланиб уч километр масофага, яъни Вена шаҳридаги марказий метрология ва геодинамика институтидан радар орқали маҳаллий университетлардан бирининг томидаги қабул қилиш қурилмасигача айланма нурни узатишга муваффақ бўлди. Камера ўрнига қабул қилинган суратларнинг сифатли чиқишини таъминлайдиган, асосийси, ҳавода учрайдиган шамол гирдоблари тўсиғини четлаб ўтадиган сунъий нейрон тўрлар қўлланилди.

Тажриба давомида бастакор Моцарт, физик олим Людвиг Больцман ва Эрвин Шредингер суратлари манзилга кулранг тасвирда етиб келган. Мазкур тадқиқот ишидан кўзланган мақсад айланма ёруғлик ёрдамида катта ҳажмдаги маълумотларни симсиз, ҳаво орқали узоқ масофаларга узатишга эришишдан иборат.

## ЁНҒОҚ МОЙИНИ ОЛМОСГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН

***Тадқиқотчиларнинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотларидан сунъий олмос олиш мумкин. Бавария геофизика ва геокимё илмий-тадқиқот институти олимлари (Германия) лаборатория шароитида 2900 км чуқурликда жойлашган, босими атмосферадан 1,3 млн марта юқори бўлган Ернинг ички мантияси тузилишига қараб маҳсулотни худди ўзидек қилиб ясашни синаб кўришди.***




Тажрибада олмос ишлаб чиқариш ишлари билан боғлиқ бир қатор инновацион усуллар ҳам аниқланди. Усулларнинг бирига кўра, углеродга юқори босимда таъсир этиш орқали олмос олинади. Углерод эса деярли барча озиқ-овқат воситаларида мавжуд. Шу сабабдан ҳам тадқиқотчилар лаборатория шароитида ёнғоқ мойидан сунъий олмос олишга киришишди.

Ёнғоқ мойида углерод билан биргаликда водород бўлгани боис жараён бироз мураккаб кечади ҳамда ўзгариш ҳам аста-секин юз беради. Аниқроқ айтганда, 2-3 миллиметр олмос ишлаб чиқариш учун бир неча ҳафта керак бўлади. Мутахассислар сунъий олмос ишлаб чиқаришга доир мазкур кашфиёт истиқболли саноат лойиҳаларидан бири бўлишига ишонмоқда.

## ТАЪМНИ ТИЛ ЭМАС, МИЯ АНИҚЛАЙДИ

***Америкалик олимлар шўр, аччиқ, нордон ва ширин таъмлар тил орқали аниқланади, деган илмий ёндашув нотўғри эканини таъкидлашмоқда. Уларнинг сўзларига қараганда, тилдаги минглаб сезгир ҳужайралар таъм спектрини аниқлашга ёрдам беради, холос. Асосий жараёнлар эса мияда кечади.***



Колумбия университети тадқиқотчи олимларининг фикрича, бирор таъмни аниқлаш вазифасини тилдаги рецепторлар эмас, балки миядаги ҳужайралар бажаради. Тилнинг 8 мингга яқин майда-майда бўртмаларини ўрганиб чиқиб, уларнинг ҳар бири бешта асосий таъмни аниқлашга хизмат қилади, деган хулосага келинди. Олимларнинг мазкур тадқиқот иши юзасидан хулосалари "Nature" илмий журналида эълон қилинди.

Илмий тадқиқот ишларида мияда тилдаги таъм рецепторлари узатаётган сигналларни қабул қилувчи махсус асаб толалари мавжудлиги аниқланди. Шунга кўра, ҳар бир таъм рецепторида 100та сигнализатор мавжуд экан. Бироқ мия ушбу жараённи қандай амалга ошириши ҳақида тугал фикр йўқ.

Тадқиқотчилар бир неча кун давомида кўнгиллиларни турли таъмли кимёвий озиқ-овқатлар билан сийлашди. Жараёнда олимлар алоҳида нейронларнинг флуоресцент (нурлантирилганда ялтираб кўринадиган) рангга киришини кузатиш билан бирга, тил ва мия ўртасидаги алоқа жуда ҳам тез ва бехато амалга ошишига амин бўлишди.

Тадқиқот шифокорларнинг таъм билиш қобилиятини йўқотган беморлар, кексаларда бу хусусиятни тиклаш борасида ижобий натижаларга эришишида қўл келади, деб умид қилинмоқда.

**Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.**

## ДИҚҚАТ! «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

**Ҳурматли ҳамюртлар! Қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига эҳтиёжи бирмунча ортиши сабабли ёнғин хавфи ҳам ошади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республикамиз миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.**

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу ойлик тадбирни ўтказишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсангиз, нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлатимиз ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғин балосидан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларида фаол иштирок этадиган юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ички ишлар вазирлиги**
**Ёнғин хавфсизлиги**
**бош бошқармаси**

*реклама · эълон · реклама · эълон · реклама · эълон · реклама · эълон · реклама*

### Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига 2014-2015 ўқув йили учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича танловда ғолиб бўлган дарсликлар рўйхати

| Т/р | Фан номи | Синфи | Муаллифлар исми, фамилияси |
|---|---|---|---|
| 1 | Физика (таълим ўзбек тилида) | 6-синф | Турдиев Нарзиқул |
| 2 | Физика (таълим ўзбек тилида) | 7-синф | Турдиев Нарзиқул |
| 3 | Физика (таълим ўзбек тилида) | 8-синф | Турдиев Нарзиқул |
| 4 | Физика (таълим ўзбек тилида) | 9-синф | Турдиев Нарзиқул |
| 5 | Математика (таълим ўзбек тилида) | 5-синф | Мирзаҳмедов Мирфозил, Раҳимқориев Абдиваҳоб |
| 6 | Математика (таълим ўзбек тилида) | 6-синф | Насриддинов Гаппар, Мирзаҳмедов Мирфозил, Абдуллаев Сафар, Хақбердиев Абдурасул |
| 7 | Алгебра (таълим ўзбек тилида) | 7-синф | Мирзаҳмедов Мирфозил, Насриддинов Гаппар, Усмонов Фаридон, Раҳимова Феруза, Арипова Шоҳида, Шониёзова Мавжуда |
| 8 | Алгебра (таълим ўзбек тилида) | 8-синф | Мирзаҳмедов Мирфозил, Насриддинов Гаппар, Усмонов Фаридон, Раҳимова Феруза, Арипова Шоҳида |
| 9 | Алгебра (таълим ўзбек тилида) | 9-синф | Насриддинов Гаппар, Мирзаҳмедов Мирфозил, Усмонов Фаридон, Арипова Шоҳида, Раҳимова Феруза |

### Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

**Инглиз тили; жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилигига.**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими**
**Тел: 246-03-92.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Ахборот технологиялари маркази раҳбари Учқун Адамбаевга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛЧЕҲРА ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Maktablar hayotidan

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

## педагогик жамоанинг ҳамжиҳатлиги боис яшнаётир

*Мактаб ҳовлисидаги арча ва атиргулларнинг шохлари бироз ўсибди. Дарслар тугагач, директор қўлига гулқайчини олиб, боғ оралади. Ботаника фан тўгараги аъзолари кузги манзаралар билан танишиш учун очиқ машғулот ўтаётган экан. Раҳбар ўқувчиларни ёнига чорлаб, гоҳ ғовлаган шохларни кесар, гоҳ болаларга нималарнидир сўзлаб берарди.*

— Табиатдаги ҳар бир ўсимликни кузатарканси, бекиёс ҳикматлар топасиз, — дея болаларга юзланади у. — Синчковлик туфайли инсонлар хулқ-атворини яхшилашни, ўзини назорат қилишни ўрганиши мумкин.

— Қандай қилиб, устоз? — сўрайди ўқувчилардан бири.

— Масалан, хулқида иллатлар урчиб кетган, шахсий ибратидан кўра салбий хислатлари кўпроқ инсонни ғовлаб кетган дарахт ё гулга қиёс этиш мумкин. Қаранг, гулларнинг ортиқча шохлари кесиб турилса, қандай кўркам бўлади! Атрофга чирой бағишлайди. Биз ҳам ўзимизни назорат қилиб, иллатларимиздан халос бўлиб, гўзал хулқли инсонга айланамиз. Шунда бизни тарбиялаб вояга етказган ота-онамизга, устозларимизга раҳмат ёғилади...

Шеробод туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори, тажрибали педагог Салоҳиддин Алмардонов мактаб боғининг асосчиларидан бири. Ҳовлида 500 тупдан ортиқ арча ва бошқа мевали, манзарали дарахтлар, 1000 тупга яқин атиргул экилган.

Бугунги кунда муассасада ёш педагогларни етиштириш, уларнинг маҳоратини ошириш бўйича бой тажриба мактаби яратилган. Хусусан, раҳбарнинг ўзи ёш ўқитувчилар ҳамроҳлигида илғор интерфаол усуллардан самарали фойдаланаётган тажрибали педагоглар дарсини кузатишни канда қилмайди.

— Раҳбар эътибори жамоага куч-ғайрат бағишлаб, ёш ўқитувчиларда ҳам ўзига ишонч ҳиссини оширмоқда, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳодир Абдухолиқов. — Директорнинг дарсларни кузатиб, зарур ҳолларда ёшларга тегишли кўрсатмаларни бериб бораётгани ҳар бир ходимда масъулият ҳиссини уйғотади. Натижада ўзига хос дарс методлари, илғор тажрибалар юзага чиқади. Масалан, биология фани ўқитувчиси Сайёра Сайдалиеванинг бир нечта мавзуларни самарали ўқитишга доир иш тажрибалари туманда оммалаштириш учун тавсия этилди. Жисмоний тарбия ўқитувчилари Улаш Саттоpов ҳамда Тоштемир Аллаёровнинг шогирдлари сўнгги йилларда "Қувноқ стартлар" республика телевизион мусобақасида бир неча маротаба қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Таълим муассасаси 2008 йили капитал таъмирдан чиқарилган. 50дан ортиқ ўқитувчи 600 ўқувчига таълим-тарбия бераётир. Ўқувчиларнинг турли беллашувлардаги ютуқлари, жамоанинг ҳамжиҳатлигини кўриб, ҳавасингиз ортади. Туман миқёсидаги илғор педагогик технологияларни дарсларда қўллаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш, умуман, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар шу мактабда ўтказилаётгани бежиз эмас. Қолаверса, муассаса 2014 йили «Энг обод таълим муассасаси» республика кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллади.

Мактабда бюджетдан ташқари қўшимча даромад топиш мақсадида арча кўчатларини етиштириб сотиш йўлга қўйилган. Ўтган йили муассаса ҳовлисида экилган пиёздан 4 миллион сўмга яқин даромад қилинди. Маблағ кузқишга ҳозирлик, ободончилик ишларига йўналтирилди. Натижада даргоҳ ўзгача чирой очиб, ўқувчиларнинг янада севимли масканига айланди.

Илҳом ЖЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

# ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА...

Mukofot sohiblari

*«Ассалому алайкум, севимли шоирим Раймхолдлайс (Raymxoldlays)! Сизнинг немис тилида ёзилган туркум шеърларингизни ўзбек тилига таржима қилиб, газетада чоп эттирдим. Сизга намунасини юбораяпман.*

*Ҳурмат билан ўзбекистонлик мухлисингиз!».*

Андижон тиллар педагогика институти талабаси Дилобархон Аҳмедованинг немисча қисқа мактуби бир неча йил илгари жўнатилганди. Тезда германиялик ижодкордан "Қуш қаноти билан қудратлидир" сарлавҳали жавоб хати келди. Номада Raymxoldlays Дилобархонга ташаккур билдириб, унинг учун бу кутилмаган совға бўлганлигини айтиб ўтган, келажакдаги ижодий ишларида муваффақият, улкан парвозлар тилаганди.

### Эътибор бўлмаса, ўсиш бўлмайди

...1969 йил 13 август куни Олтинкўл туманидаги Маслаҳат қишлоида ишовчи Аҳмедовлар оиласида дунёга келган қизалоққа Дилобархон деб исм қўйдилар. Хонадон соҳиби заводда оддий ишчи бўлса-да, илм-маърифатдан хабардор; Дилобархоннинг онаси эса фарзандлар тарбиясини қаттиқ тутар, қизиқишларини қўллаб-қувватлар, билим эгаллашларида яқин кўмакдош эди. 1976 йилдан бошлаб тумандаги 22-умумтаълим мактабига қатнай бошлаган Дилобархоннинг бошланғич синфдаёқ тилга иштиёқи, айниқса, немис тилига қизиқиши баланд бўлиб, муаллими Омаджон Турдиев очган тўгаракка мунтазам қатнашар, туман, вилоят олимпиадаларида иштирок этар, мактабдаги тадбирлардан қолмас, ташкилотчи ўқувчилардан бири эди. 1986 йили мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Дилобархон опанинг негадир ўша йили омади чопмади. Университетга киролмаган қизини Долим ака юпатди: "Ҳали ҳаммаси олдинда, муҳими, ҳаракатдан тўхтамаслик керак". Давлат имтиҳонларига қаттиқ тайёрланган меҳнатсевар абитуриент келаси йили энг юқори баллар билан Андижон тиллар педагогика институтининг немис филологияси факультетига ўқишга кирди.

### Қанча тил билсанг, шунча хазинани қўлга киритасан!

Дилобархон опа талабалик йиллари Туробиддин Нурматов, Иброҳим Жабборов сингари устозларининг педагогик маҳоратини ўрганди. Бундан ташқари, бўш вақтлари шеърлар ёзар, машқлари туман, вилоят газеталарида чоп этиларди. 1992 йили институтни тугатиш арафасида уни Андижон иқтисодиёт ва муҳандислик институтига таклиф этишди. Иккинчи хорижий тил сифатида ўрганган инглиз тили бўйича билимларини ана шу ерда амалда қўллашига тўғри келди. Иш жойига америкалик мутахассислар тажриба алмашиш мақсадида келишган бўлиб, энди ёш муаллима турли давраларда уларнинг таржимони сифатида қатнашар, улар билан мулоқоти мобайнида ўзининг ҳам оғзаки нутқи ўсиб борарди. Институтдаги беш йиллик тажрибадан сўнг Дилобархон ўзи туғилган Маслаҳат қишлоғидаги она тили ва адабиёт, инглиз тили ва тарих фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактабда фаолиятини давом эттирди. 1998—2008 йиллар давомида эса Олтинкўл туманидаги 20, 27- ихтисослашган мактаб-интернатларда ишлади.

### Муваффақиятга қадам-бақадам...

У фаолияти давомида математик белгилардан фойдаланиб, инглиз тили грамматикасини осон ва тез ўргатиш бўйича ўз дарс ўтиш методини яратди. Инглиз тилида бир қатор қўлланмалар ёзди. Дилобар устознинг илк китоби "Happy English" 2012 йили "Yangi asr avlodi" нашриётида чоп этилди. Шундан кейин бирин-кетин "English Topics", шогирди Саидабону Абдусалова билан ҳамкорликда тайёрлаган немис тилидаги матнлар тўплами "Textenversamlungen" республикамиздаги турли нашриётлар томонидан чоп этилди.

Дилобархон опанинг меҳнатлари самара бериб, бир неча йил "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида совринли ўринга муносиб топилди. Устознинг ўқувчилари билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида муносиб иштирок этаётир. Баъзи ўқувчилари Германия, Англиянинг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олмоқда.

### Аёл бахти оилада

Оиласида тинчлик ҳукм сурмаса, инсон жамият олдидаги вазифасини бажара олмайди. Турмуш ўртоғининг қўллаб-қувватлашларисиз, фарзандларининг сиҳат-саломатлигисиз эса кўнгли тўқ бўлмайди, аёлнинг. Дилобархон опа ички ишлар ходими Ҳабиб ака билан турмуш қуриб, Умиджон, Сайдулло исмли ўғилларни вояга етказишмоқда. Тўнғичлари Умиджон тиббиёт коллежида, Сайдулло мактабда ўқийди. Кичик ўғлини Дилобархон устознинг издоши деса ҳам бўлади. У яқинда бешинчи синфлар ўртасида инглиз тили бўйича билимлар беллашувида биринчи ўрин соҳиби бўлди. У хорижий тилда бемалол гапира олади. Тотув оилага ҳамма ҳавас қилади.

Дилобархон Аҳмедова яқинда "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

— Инсон меҳнатига берилаётган эътибор бағоят хурсанд қилади. Узоқ қишлоқларда яшовчи турли соҳа вакилларининг озми-кўпми меҳнати назардан четда қолмаётгани одамнинг кучига куч қўшади. Бу мукофот елкамга катта масъулият юклаб, ҳаракатга ундайди, — дейди Дилобар Аҳмедова.

### Ҳали ҳаммаси олдинда...

... Тонгги нонуштадан сўнг қаҳрамонимиз мактабига шошилди. Ундан кейин ўзи Олтинкўл туманида ташкил этган Тил марказига боради. Дилобар опанинг нияти, мана шу тил марказини янада кенгайтириш. Ҳали бошлаб қўйган "Easy English" китобини ёзишни давом эттириши керак. У шу пайт отасининг гапларини эслайди: "Ҳали ҳаммаси олдинда... Муҳими, ҳаракатдан тўхтамаслик керак".

Дурдона МУХТОРОВА,
Камола МУСАЕВА,
ЎзДЖТУ талабалари

2014-yil 15-noyabr, № 92 (8741)

# ИЛК ҒАЛАБА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

***Жиззах шаҳридаги 19-мактаб спорт зали таътил кунлари ўқувчилар билан гавжум бўлди. «Умид ниҳоллари»нинг қуйи босқичида 1—4-синф ўқувчилари спортнинг 5 тури, юқори синф ўқувчилари эса 6 тури бўйича ўзаро баҳслашдилар. Бошланғич синф ўқувчилари стол тенниси, енгил атлетика, сузиш, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика бўйича мусобақаларда ўз иқтидорларини намоён этдилар.***

Айниқса, стол тенниси баҳсларини томошабинлар катта ҳаяжон билан кузатишди. Мактаб ўқувчилари орасида спортнинг бу турига қизиқувчилар талайгина. Яратилган кенг имкониятлар боис стол тенниси беллашувларида иштирок этиш истагини билдирган спортсевар ёшлар кўпчиликни ташкил этди. Қизғин баҳсларда рақибларини ортда қолдирган 4-синф ўқувчилари Фирдавс Эргашев ва Фирдавс Тўлқинов, 2-синф ўқувчиси Фарзона Эргашева ҳудудий беллашувларда иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Енгил атлетика, сузиш, спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика бўйича ғолиблар ҳам аниқланди.

5—7-, 8—9-синф ўқувчилари ўртасидаги беллашувлар ҳам муросасиз кечди. Баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол, сузиш, теннис мусобақаларида юқори синф ўқувчиларининг 800 нафардан зиёди иштирок этди. Улар ўртасида, айниқса, теннис мусобақалари қизғин баҳсларга бой бўлди. 8-синф ўқувчиси Паризода Муҳаммадиеванинг ўйинлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Паризода барча рақибларини енгиб, спорт ўйинларининг навбатдаги босқичида иштирок этадиган бўлди.

Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Бахтиёр Эшонқулов, Гулрух Эгамова мусобақаларни намунали ташкил этишга ҳаракат қилдилар. Мактаб босқичида ғолиб чиққан жамоа ва ғолиб ўқувчилар навбатдаги босқич беллашувларига тайёргарликни давом эттиришмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2015» мусобақаларининг қуйи босқичлари вилоятнинг барча туманларида катта тайёргарлик билан ўтказилди.

— «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг қуйи босқичида ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланиб, тадбирлар байрамона кайфиятда ўтказилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича етакчи мутахассиси Дадажон Шодмонов. — 1—4-синф ўқувчилари ўртасидаги беллашувларда 6594 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, уларнинг 3768 нафарини қизлар ташкил этади. Юқори синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда 65982 нафар ўғил-қиз ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

Қуйи босқичларда қатнашиб ғолиблик нашидасини сурган спортсевар ёшларнинг аксарияти эзгу ниятлар билан олға интилишмоқда. Бугун «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичида иштирок этиш ва чемпион бўлиш ҳар бир ўқувчининг катта орзуси ва қатъий мақсадига айланиб улгурди. Чемпионлик сари илк қадам «Умид ниҳоллари»дан бошланса, ажаб эмас.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

***— Ёшлигимда спортга бўлган иштиёқимни сезган ота-онам мени Асака шаҳридаги 5-мактаб-интернатга олиб боришди. Кечагидек ёдимда, мактабдош дўстларим Жамбул, Тўхтасин, Шуҳратжон ва Раҳматжон билан югуриш бўйича кўп мусобақалашардик. Шунчалик тез югурардикки, шамолдан ўзиб кетаётгандек туюларди. Енгил атлетика бўйича яхшигина натижаларга эришганмиз. Аммо ўша пайтлари болалар спортига ҳозиргидек эътибор катта эмас эди. Шукрки, бугун болалар спорти кундан-кун ривожланиб бормоқда, барча шароитлар яратилган, — дейди спорт фахрийси Адҳам Ҳасанов.***

Адҳам Ҳасанов ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент шаҳридаги «Кентавр» спорт клубига қатнай бошлади. Енгил атлетика бўйича яхши натижаларга эришаётганига қарамай, ҳаёт машаққатлари, турмуш ташвишлари сабаб ҳайдовчилик касбини эгаллашга мажбур бўлди. Адҳам ака узоқ йиллар ҳайдовчилик қилган бўлса-да, нафақага чиқар чоғи қалбида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудини пиёда кезиб, бунёдкорлик ишларини ўз кўзи билан кўриш нияти туғилди. Бунга 2008 йили газетада нидерландиялик 28 ёшли аёлнинг бир кечада 100 км масофани босиб ўтгани ҳақидаги хабарни ўқигани сабаб бўлди.

# ЎЗБЕКИСТОННИ ПИЁДА КЕЗГАН ОТАХОН

### *соғлом турмуш тарзини ҳаётининг мазмуни деб билади*

Отахон Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакили Роман Ицковдан йўл-йўриқ олди. Р.Ицков Адҳам акага мақсад йўлида муваффақият қозониш учун кунига камида 30—40 км масофани пиёда босиб ўтиши, бунга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши кераклигини такрор-такрор уқтирди.

Фахрий спортчи ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлигини синаб кўриш мақсадида тажриба сифатида дастлаб Тошкент—Янгийўл, Тошкент—Оҳангарон, Тошкент—Чирчиқ йўналиши бўйлаб пиёда юриб, ўзини чиниқтирди. Синов муваффақиятли ўтгач, катта сафарларга чиқиш иштиёқи жўш урди. 2010 йил 15 августда бошланган сафари давомида Тошкент—Наманган—Фарғона бўйлаб 500 км.лик масофани босиб ўтди. Қамчиқ довонидан ошиб ўтиб, сўлим водийнинг хушманзара, обод масканларини айланди. Адҳам ака навбатдаги Тошкент—Бухоро йўналиши олдидан тиббий текширувлардан ўтиб, соғлиғи борасида ҳеч қандай муаммо йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Сабаби, узоқ сафарга ҳеч қандай ҳамроҳсиз, бир ўзи отланаётган эди.

Тиниб-тинчимас қаҳрамонимизнинг учинчи сафари эса 2012 йил 9 майда бошланди. У 1350 км масофани 41 кун давомида босиб ўтиб, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрига етиб борди. Тошкент—Сирдарё—Жиззах—Самарқанд—Навоий—Бухоро—Хоразм—Қорақалпоғистон йўналиши анча узоқ ва табиий иқлим шароити ҳам оғирроқ эди. Чунки бир неча юз километрга чўзилган Газли, Чандир, Саримой, Мискин, Қипчоқ, Қизилқум чўлларини босиб ўтиши керак эди. Бунинг устига, саёҳат учун мўлжалланган ётоқ қопи, кийим-кечак, озиқ-овқат ва сувдан иборат 15—20 килограмм юк билан ҳаракатланишни айтмайсизми.

2013 йили Термиз сари саёҳатга чиқди. Чўлнинг ўзига хос қуруқ ва жазирама иссиғи, гармселлар, ёввойи ҳайвонлар хатари — буларнинг барчаси соғлиғига, ҳаётига хавф солиши мумкин эди. Аммо ниятнинг софлиги, қолаверса, руҳий тайёргарлик, ўзига ишонч хавф-хатарларни енгишида мадад бўлди.

65 ёшли спорт фахрийси ҳозир ҳам кунига 50—60 км масофани босиб ўтади. Соғлиғидан ҳеч нолимайди.

— Соғлом турмуш тарзига риоя этишни, тарғиб қилишни ўзим учун асосий мақсад деб билдим. Спорт — тинчлик элчиси. Спорт — гўзаллик. Спорт — қардошлик ва биродарлик. Кимки улуғ ва олижаноб халқимизнинг миллий урф-одатлари, меҳмондўстлиги ва самимийлиги, бой маданияти ҳақида билишни истаса, албатта, Ватанимизнинг турли гўшалари бўйлаб саёҳат қилсин, бунга ўзи амин бўлади, — дейди спорт фахрийси Адҳам Ҳасанов.

**Отабек ОТАЁРОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ЮТУҚЛАР СИРИ — САЪЙ-ҲАРАКАТДА

***Ўзбек фарзандлари азал-азалдан тўю томошаларда, сайилу байрамларда кураш тушиб келган. Шу тариқа йигитлар жисмонан чиниқиб улғаяди. Кураги ерга тегмаган полвонлар халқ ичида афсонага айланганй ҳам рост. Неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган бу каби беллашувлар бугун ҳам бардавом. Эндиликда миллий кураш бўйича турнирлар, халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.***

Наманган шаҳрида бўлиб ўтган кураш мусобақасида вилоятдаги 876та мактабдан 400 дан зиёд ўғил-қиз иштирок этиб, ўзаро куч синашди.

Мусобақа турли вазн тоифаларида ўтказилди. Турнирда ғолиб бўлган спортчилар орасида Чортоқ туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бир йўла икки ўқувчиси бор. Мактабнинг 6-синф ўқувчилари Искандар Абдуғаниев 38 кг, Илҳомжон Юсуфхўжаев эса 35 кг вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу ютуқ ушбу таълим масканида спортнинг кураш турига алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

— Бу ғалабалар бизни қувонтирди, ўқувчилар эришган натижа жамоамизнинг ҳам ютуғи, — дейди мактаб директори Ўрмонжон Қобулов. — Ўқувчиларимизнинг жисмонан бақувват, руҳан тетик улғайиши учун барча шароитлар муҳайё. Пухта тайёргарлиги, ўзларига бўлган ишончи уларни ғалаба сари етаклагани рост. Бунда, албатта, жисмоний тарбия ўқитувчилари Илҳомжон Қобуловнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мураббий миллий кураш тўгарагини ташкил этиб, қизиқувчи ўқувчиларга дарсдан сўнг спорт сирларини ўргатиб келаётир.

Дарҳақиқат, мактабда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бир нечта тўгараклар ташкил этилган бўлиб, машғулотларда чиниққан ўғил-қизлар юқори натижаларга эришиб, аждодларига муносиб авлод эканликларини исботлаб келишмоқда.

**Жўрабек ЖАНГИРОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ



Наманган Олимпия захиралари спорт коллежида 600 нафардан ортиқ ўғил-қиз спортнинг футбол, енгил ва оғир атлетика, юнон-рум кураши, эркин кураш, белбоғли кураш, дзюдо, бокс, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, бадиий гимнастика, сузиш, таэквондо, теннис каби турлари бўйича малакали мураббийлардан сабоқ олмоқда.

Бу ердаги замонавий шароитлар коллеж ўқувчилари орасида чемпионлар сафи кенгайиб боришига замин яратмоқда.

**Суратда: дзюдо бўйича 7 карра Ўзбекистон чемпиони Маҳлиё Йўлдошева.**

**ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.**

# ҲАЁТНИНГ ЭНГ ШИРИН ДАМЛАРИ

Куз. Дов-дарахтлар япроғи олтиндек товланмоқда. Қуёш бирдан булутлар панасига яширинди. Само чақмоқ қиличини яланғочлаб, гумбур-гумбур овоз чиқарди. Фалакнинг ғазабидан пахмоқ булутлар беихтиёр кўзёш тўка бошлади. Ёмғир томчилари кўпайгани сари ҳайвон ва ҳашаротлар пана жой қидириб қолди. Энг аввал миттигина чумоли қўзиқоринуйчани кўриб, шу томон югурди. Ортидан қанотлари ҳўллигидан учолмай қолган оппоқ капалак, сичқон, чумчуқ ҳам уйчага кириб олди. Шалпангқулоқ қуён ва тулкига эса жой етмай қолди. Аввалига улар роса тортишишди, кейин аҳиллик билан муросага келишди. Барча қўзиқорин-уйчада ёмғир тингунча маза қилиб ўйнади...

Чилонзор туманидаги 261-МТМнинг ўрта гуруҳ тарбиячиси Маҳбуба Мирзаева ва унинг кичкинтойлари иштирокидаги "Ҳосил байрами" ана шундай қизиқарли ўтди.

Байрамона безатилган саҳнага қувноқ мусиқа садоси остида қуёнча, тулки, айиқ, помидор, бодринг, кунгабоқар, тарвуз ва қўзиқорин қиёфасидаги болажонлар чиқиб келишди. Тарбиячининг таклифи билан биринкетин ўртага чиқиб, куз фаслини таърифлаб шеър ва қўшиқлар айтишди.

Қўлларида ранг-баранг соябон тутганча гўё ёмғирнинг майин томчилари остида сайр қилаётгандек рақсга тушаётган қизалоқларга қараб завқлансангиз, дик-дик сакраб, ўмбалоқ ошаётган тарвуз қиёфасидаги болакайларнинг қилиқларини кўриб, беихтиёр юзингизга табассум югуради. "Япроқлар рақси"ни ижро этаётган қизчалар эса гулзордаги митти капалакларга ўхшайди.

— Гуруҳимиздаги 33 ўғил-қиз билан байрамга қизғин тайёргарлик кўрдик, — дейди тарбиячи Маҳбуба Мирзаева. — Айримлари бундай тадбирда илк бор иштирок этаётгани учун ҳаяжонланишди. Ҳатто ёд олган шеърлари эсидан ҳам чиқиб қолди. Саф бўлиб туриш керак пайти ярми ўтириб олса ҳам, рақсга тушаётганда шеригининг кўйлагини босиб олиб йиқитса ҳам, чучук тилида тушунарсиз қўшиқ айтса ҳам, кичкинтойларнинг бу чиқишлари биз учун профессионал концертлардан қизиқарли, мароқли ва қадрли бўлиб қолаверади.

Аслида ҳам, фарзандларимиз ана шундай беғубор ва ширин қилиқлари билан азиз ва севимлидир.

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**





Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

# АВЛОДЛАР БАРКАМОЛ УЛҒАЙСИН ДЕБ...

***Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор чекка ҳудудларда ҳам спортни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётир.***

*Bolalar sporti*







Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги Навоий кон-металлургия комбинати шимолий кон бошқармасига қарашли "Лочин" спорт мажмуасида 1 минг 600 нафар ўғил-қиз спортнинг сузиш, дзюдо, бокс, бадиий гимнастика, кураш, футбол, стол тенниси, гандбол, волейбол каби турлари билан шуғулланади.

**ЎзА фотомухбири**
**Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.**

Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1124. Tiraji 38927.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416
9 772010 641009

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 21.35 Topshirildi — 22.00 2 3 4 5